

НОРҚУЛ ҲАИИТҚУЛОВ

ТОМЧИ


(Қисса)

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1981

Норқул Ҳайитқулов ўзининг проблематик очерклари, лавҳалари билан китобхонларга таниш. У кейинги йилларда қатор ҳикоялар ва қиссалар яратдим, бу асарларда ҳам ёзувчи замонамизнинг актуал масалаларини кўтариб чиқади.

«Томчи» қиссасида автор чўлқуварларни, чўлда янги ҳаёт бунёд этаётган ёшларни тасвирлайди.

Тақризчи
филология фанлари кандидати
МАҲКАМ МАҲМУДОВ



X $\frac{70303-72}{356 (04)-81}$ 36—81

4702570000

© «Ёш гвардия», 1981

* * *

Чўлга келган биринчи куним! Июнь. Якшанба. Хеч унута олмайман ўша куним! Жазирама иссиқ чор-атрофим тандирдек қиздирган. Ўн метр нари кўзга жимирлаб кўринарди. Саккиз-тўққиз кишига мўлжалланган учта брезент палатка қатор тизилган. Булар чўлга биринчи бўлиб келган қалдирғоч қурувчилар учун вақтинчалик уй вазифасини бажарарди. Палаткалар паст, кичик ва ихчамгина бўлса ҳам, чўл ўртасида савлат тўкиб тургандек эди. Қурувчилар эмас, худди археологлар бир неча кунгагина тўхтагандек туюлади. Ўша куним изма-из келган уч кишини уч палаткага жойлаштиришди. Менга «ўртадаги палаткада турасиз», дейишди. Ишим енгил кўчиб, тезгина жойлашиб олганимдан ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Кўрпа-ёстиқим бўйимда, оёғимни чўзганча керишиб, иссиқ ҳаводан энтикиб нафас олдим. Ўзимни қиздириб, бошимни қисаётган ҳарорат ҳам кўнглимга ёқиб тушаётган эди. Палатканинг брезент эшигини қия кўтариб бошимни ташқарига чиқардим, гармселга юз тутиб, кўзимни ярим қисганча узоқ-узоққа тикилдим. Яп-яланғоч чўл, чўл... У ер-бу ерда туяқорни, қовжираган янтоқ, юлғин бўғзиғача қум тупроққа кўмпилиб ётибди. Чўлнинг кўк билан туташган жойида эса улкан денгиз каби сароб.

Назаримда, чўл гимирлаб, жонланиб қолгандек. Қаёққа қарамай, осмону фалаккача чўзилган гирдобини кўраман, улар қўзиқоринларни лананглатиб баланд-баландга учириб кетишади. Кун ботиш томондаги ҳалигина кўриниб турган кумушсимон қават-қават булутлар ўрнини кулранг юпқа булутлар эгаллади. Бироқ бу кулранг булутларга эътибор бериб қаралса, уларнинг шиддат билан юқорига интилаётганини пайқаш қийин эмас эди. Ҳа, ана осмон юзи тобора оқ-қора пардага ўрана бошлади. Бу ростакамга булут эмас, баҳор пайтида тез-тез эсиб турадиган афғон шамол эди.

Шубҳасиз, бу шамол чўлда чнябўри каби изғийди, олдида учраган ҳар қандай тўсиқни қўпориб отишга чираниди. Биз томондагидан кўра, чўлда ўн баравар қаттиқ ва даҳшатли бўлса эҳтимол. Палаткада бир ўзимман. Эрталаб ишга чиқишим керак, кутиб олган серсоқол киши айтганидек, ҳориганман, дамимни олишим керак. Мизғиган эканман. Аллақандай дағал овоздан ҳушёр тортидим.

— Холаинди дачасига келдинг-а? Ётишини қара-ю, дунёни сув босса тўпирига чиқмайдиган хилдан, шекилли,— кўзлари киртайиб, жағи чўккан йигит эринганча энкайди-да, ёқаси тердан ивиган кўйлагим барида ушлаб силкиди.— Ҳов, боқибегам, турсанг-чи, қум тўфони босиб келопти, жонимиз мана мундоқ ҳиқичоққа тақалди-ю, сани ётишингди қара-я,— деди.

Кўзимни секин очдим, худди бир кеча-кундуз ухлаган кишидек, енгим билан юз-кўзимни ишқаладим, сўнг оғир, ғўлдираган оҳангда:

— Ассаломалайкум,— дедим чўзиб.

— Во-олайкум, мулло,— деди у кафтини кўксига қўйиб, чанг-тердан бир-бирига ёпишиб қолган қошлари остидан айёропа тикилди.— Саломлашншти лекин ўрнига қўяркансан, ҳай, ну-ка, ўринларидан турсинлар-чи, танишиб олайлик.

У дағал кафти орасига қўлимни олиб қаттиқ қисди.

Оёқларини кериб, ғоз сингари туриши ман-ман деган полвоннинг талтайишига ўхшаб кетарди. У бўғиқ овоз билан исмини айтди. Аливой экан.

— Саники-чи? — сўради у.

— Меники, Собир.

— Собир? Ўзбакка ўхшамайсан-ку? Ёки ҳамширалар адашганмикин-а! — деди қўнғиртоп сочимга, ингичкадан келган чўзиқ бурнимга бир-бир ғилай қараб.— Ҳи, ростдан адашганга ўхшайди. Бурнингди қара, худди этик-дўзлардикидай.

Истехзо аралаш кулиб қўйдим. Касбимни сўради, эпди танлайман, дедим.

— Ў-ў, сут тишингиз тўкилганми? Қани, оғзингди оч-чи,— қиқирлаб кулди у.

Этим жимирлаб кетди.

— Нима дединг?!

— Нима дердим, тишингди кўрай, дедим-да. Тагин йўргакдан олиб келишган бўлса, эртароқ туёғингди шиқиллатиб қол, демоқчиман-да, оғойнижон!

— Бунақа маслаҳатларга зор эмасман! — қовоғимни солиб ўқрайдим.

— Оҳ-оҳ, товба қилдик, товба!

Биринчи танишган ҳамётоғим билан пешингача бошқа сўзлашмадим...

Таъбим хира бўлди. Ахир, қанчадан-қанча орзу-ҳавас билан янги жойга, ўзингга мутлақо нотаниш бўлган ерга келсангу кишилар сени назарга илмаса, оғзинга келган гапни шарт-шарт айтиб юбораверса, сен учун бундан ҳам оғир ҳақорат бўладими!

Қумдан кўтарилаётган ҳарорат одамни лоҳас қилгудай эди. Бошим зирқираб оғрий бошлади. Кафтим билан пешонамни ушладим, палатканинг гармселда билинар-билинемас тебранаётган брезент эшигидан кўз узмай қолдим. Эшикдан кираётган иссиқ ел шу онда менга ҳу-

зур бераётгандек. Урнимдан қўзғалиб, палатка эшигини очиб қўйдим.

Мен ишчиларнинг объектлардан қайтишларини бетоқат кутардим. Шу пайт юзлари қорайиб, билак мускуллари бўртиб чиққан новча киши палатка эшиги олдига келиб турди-да, тиззаларини сал букканча энгашиб, ичкарига кўз югуртди. Олдин менга, сўнг Аливойга қаради. Аливой юзига эски газетани ёпганча хуррак отиб ухлаб ётарди. Ҳалиги киши «бу ётибдими?» дегандек Аливой томонга ишора қилди. Мен индамай қўйдим. У бамайлихотир келиб, Аливойнинг юзидаги газетани олди. Аливой пишиллаб нафас қайтарганча газетанинг бир четидан босиб турган қўлини тақ этказиб ерга ташлади.

- Қачон келди?
- Тушда келувди.
- Тоби қочибдими?
- Билмадим.
- Ҳеч нима демадими?
- Йўқ.

У киши диққат бўлиб, пешанасини тириштирди, Аливойни уйғотмоқчи бўлди.

— Ҳой, Аливой, Аливой!.. Тур, қани...— Аливой кўзларини маҳкам юмиб олган, ҳамон пишиллаб нафас қайтарарди. Мен кўзимни чақчайтириб, энди нима бўларкин, бу кишига нима деркин, дегаи хаёлга бориб, бир қўлим билан тахтага таянганча жим қараб турибман. Ҳалиги кишининг қора юзига қон тепиб баттар қорайгандай бўлди, икки қоши бир-бирига яқинлашиб қолди. Қаттиқроқ туртди.

— Эй, нима гап? — Аливой кўзини бир очиб, ёнбошга ағдарилди.

- Ҳа, нима бўлди?
- Бошим торс ёрилай деёпти!
- Дўхтирга одам юборай бўлмаса!
- Керак эмас, ўзим бораман, рухсат беринг.

— Сени якка юбориб, кейин жавобини ким беради?

— Унда, мана муни қўшинг, — инқиллаб юзларини буриштирди Аливой ва мени кўрсатди. Мен уни аввал айёрлик қиляпти, деб ўйлаган бўлсам ҳам, ҳозирги аҳволига қараб, ростакамига касал экан-да, дедим.

— Касал бўлса, тезроқ даволатиш керак. Кун иссиқ, ҳарорати кучайиб ҳолдан кетиши мумкин, — дедим.

Аливой қорнини ерга тираб, пешанасини билаги устига қўйди. Инқиллаб нафас олди. Қорачадан келган новча киши яна ўйланиб туриб, соатига қаради.

— Тезроқ боринглар, бир соат қолибди, — деди.

Биз пиёда жўнаб кетдик. Ана-мана демай тепаликдан ҳам ошдик. Палаткамиз кўринмай қолди. Аливой энди бошини ҳам ушламай қолганди. У йўлида дуч келган пастаккина туяқоринни копток ўйнаган сингари бир тепди. Бироқ туяқорин илдизидан кўчмади. У тўхтаб туриб, зарб билан яна икки-уч тепди. Туяқорин бутюқлари парча-парча бўлиб кетди. Аммо илдизи тўмар бўлиб, қум устида дўмпайиб қолди. Аливой юзимга бир қаради-да, туяқориннинг илдизига ёпишди. Туяқоринни зўрға қўпориб иргитиб юборди.

— Маҳкам экан-да, а? — дедим мен. — Буям яшаш учун курашади-да.

Аливой гапимни эшитмаганга олди ва анча юрганимиздан кейин сўради:

— Нима дединг?

— Туяқорин ҳам яшаш учун курашаркан, дедим.

— Нима деганинг бу?

— Масалан, киши ўзини хавфдан ҳимоя қилса, у ҳаёт учун курашган бўлади.

— Ҳм, бу дейман, олимликтанам қуруқ қолмагансан, чоғи, а, оғайни. Ҳей, ўргилдим топган гапингдан, чўлдаги бир туяқорин яшаш учун курашади эмиш, — у қаҳ-қаҳ уриб кулди. — Буёққа қара, гапни майдалаб, эзиб юрган кишини итимданам ёмон кўраман. Сенам шундайлардансан, чоғи, олим! Ҳих!.. Гап деса қоп-қоп! Тил

ўлгур лиқир-лиқир ўйнаб, айланаверса гап чиқавераркан-да. Санда олимлик тугул балоям йўқ. Ахир, калланг бўлса, бошлиққа: «Қўя туринг, кўп безовталаниб, ҳозиргина уйқуга кетди», демайсанми! Ҳе!..

У энди овозини эркин қўйиб юборган, худди қафасдан озод бўлган йиртқич сингари теварак-атрофга аланглар, менга ва олдидан чиққан ҳар бир нарсага чанг солгиси келарди.

— Мен қайтаман,— дедим.

— Нега?

— Сен касал эмассан!

— Қим айтти?

— Ўзим. Кўриб турибман-ку!

Унинг қалин қошлари чимирилди, киприклари орасидан зўрға кўриниб турган кўзиде газаб тўлган эди. Бошини чап кифти сари билинар-билинемас эгди, сўнг қаддини ярим букканча, муштини ўйнатиб деди:

— Ҳой, мана бу хумкаллангминан жавоб бера-сан-а! Санга қайси пиринг ўргатти, беморди ташлаб қайт деб, оғойни!

— Сен касал эмассан!

— А? Қимсан ўзи? Росттанам ошқовоқ экансан-ку! Бригадир айттим, тамом, буйруғини бажаришинг керак. Қони, изингга қайтибам кўр-чи!

— Бригадир сени тоби қочибди деб ўйлаган. Сен эса виждонсизлик қилгансан. Ҳам у кишини, ҳам мени алдагансан.

У юмшагандек бўлди. Лабида сохта кулги пайдо қилди.

— Мана, пешанамди ушлаб кўр, ёниб кетяпти-ку! Сан бўлсанг, гоҳ олимлик қиласан, гоҳ мана бундақа беъмани гапларди ўйлаб топасан.

— Мен ҳеч ҳам гап ўйлаб топаётганим йўқ. Нима деган бўлсам, ҳаммаси рост. Ўйлаб топиш сендан чиқадди, хўпми?

— Бўпти, кўпам саннайверма, оғайни. Фойдаси йўқ.

Борампзу дўхтирга учраб қайтампз. Бекорга ҳам ётардинг-да. Кўрмаган жойларди кўриб қайтасан. Сен олимпингдиям, билганим-билган дейдиган одатингдиям ташла, оғайни. Бўлмаса, ишинг юришмайди. Ҳа, билиб қўй: бу ердагилар сандай гўдак эмас, бошни ўйлайди. Чўлди ўзини ёввойи, одамларни... Билдинг?

— Қўрқитма мен! Ёввойи бўлсанг, ўзинг ёввойидирсан, лекин ҳаммани қўшиб айтма!

Аливой юришдан тўхтади. Менга кўзларини ўқрайтириб қаради. Кейин чаққонлик билан сиқимини тўлгазиб қум олди. Қум ичига тошларни гижиралатиб сиқди ва уни куч билан ерга сочиб юборди. У қумни қанчалик зарб билан сочган бўлса, жаҳли ҳам шунчалик тез тарқади. Зум ўтмай яна юмшаб гапирди:

— Биласанми, Собир, оғойни, мен шундақа сержаҳлман. Акс гапирадигонлар билан ўлгунимча курашаман. Ҳай, дунёдан умидингди узардиму аммо янгисан-да. Билиб қўй, одатинг шу бўлса, яна айтаман, бу жойда узоқ ишлолмайсан, оғойни.

Мен ҳеч нима демадим, станция томон юра бошладик. Яна бир тепаликдан ўтдик. Изимга қараб қўйдим. Осмон билан туташган яйдоқ даштдан бўлак ҳеч вақо кўзимга кўринмади. Аммо чанг-тўзон яқинлашиб қолган, ҳозир тепамдан босиб, қум ичига тикиб юборадигандек эди, назаримда. Яна осмонга ҳадик аралаш қарадим.

Канални ёқалаб бориб, темир йўл ёнидаги бетон кўприкдан ўтдик. Аливой йўл-йўлакай ўзига-ўзи гапираётгандек тинимсиз мақтаниб борди. У мақтанишларини шундай хулосалади:

— Гап мундай, қаерга бораман, нима оламан, оғзинг-да мум, билдинг? Гулласанг, бошинг ҳо-оп... копток, билдинг?

Биз узоқдан кўриниб турган бинога яқинлашдик. Шпаллар уюми ёнидан чапга бурилдик. Аливой разъезд биноси биқинидаги дўконга ишора қилди ва:

— Ҳозир оқвойни кўрасан,— деди.

— Қанақа оқвой? — олазarak бўлиб ён-атрофимга алангладим, худди таниш кишини ахтаргандай.

У кулди. Елкамга иккала қўлини қўйиб, қулоғимга шивирлади:

— Бе-е, танимайсанми ҳали, дунёга машҳур оқвойни-я? Бе, қўй-е, оғайни! Оқвойни танимайсан-а? Э, балли, санга!

Хаёлимдан лип этиб, аллақандай машҳур, аммо менга нотаниш бўлган киши ўтди. Кейин «калака қилаётган бўлмасин, тагин», деган шубҳага келдим-да, қўшилиб кулдим.

— Лақиллатма кўп,— дедим.

— Кўзингди юм, кўрсатаман.— Мен анграйиб туравердим. Бироқ у гапни кўпам айлантриб турмади. Иккита яримталиқни олиб:— Мана буни оқвой дейдилар, оғайни! — деди.

Иссиқ дами қайтгандек бўлди. Баъзан теvarак-атроф оташкуракдек қизиб турган пайтда қуёш юзини булут қоплаб олса, унинг ҳарорати пасайгандек туюлади. Аммо зум ўтмай ҳаво тафти ўша-ўша эканлиги сезилиб қолади. Буруқсиган тутун сингари қават-қават бўлиб шиддат билан босиб келаётган тўзон кўзимга аллақандай даҳшатли куч бўлиб кўринди. Аъзон баданим терлаб, жиққа сув бўлдим.

— Юр, ичкари кирамиз,— деди у.

Кутиш залида ҳеч ким йўқ эди. Поезд келишини кутиб турган кишилар ҳам уй-уйларига тарқаб кетишибди. Аливой яримталиқни очди. Олдин ўзи ичди, кейин менга узатди.

— Саломат ишлашинг учун, оғайни, ол.

Чарчоқни босади, дейишади. Умид билан стаканни олиб кўтардим. Илиқ ароқ томоғимни қириб, борган еригача куйдириб кетди. Аливойнинг оқвой деган зормандаси бирпасда бошимни ғувуллатиб юборди. Аливой эса сув кўрмаган ер каби чанқоқ эди. Яна ичди. Ширин

тил чиқарди, меҳрибон бўлиб қолди. «Ичса дуппа-дуруст йигит бўларкан-ку, оғзидан бол томаяпти-я», деб ҳайрон бўлганча тикилиб-тикилиб қўяман.

— Ич! — деди ярим стакан ароқни узатиб.— Ма, энди мани соғлигим учун! Ол, ол!

— Бунча ичмаганман. Қишлоқни биласан-ку, Аливой.

— Қишлоқ-мишлоқ йўқ! Ма, ич дедимми, ичасан! — у туриб олди. Жиққа терлаш ва ҳориш зўридан томирлари бўртиб чиққан кафтимдан ушлаб, стаканни тутқазди.— Кўтар-е, оғайни, шерик бўлсанг ярим йўлда оқсама-да!

Ўзимни мажбур қилиб бўлса ҳам, истар-истамас қулт-қулт ютдим. У қиқирлаб кулиб, елкамга қоқиб қўйди. Кўзларим атрофни ғира-шира кўрар, чанг қоплаган дераза эса ғашимни келтира бошлаганди. Бошим тиришган, ҳеч нима фикрлашни истамасдим. Шу онда фақат бир нарсани ўйлайдиган бўлиб қолдим: «Ичиш, тўйгунча ичиш!» Бундай иштиёқ умримда илк бор пайдо бўлган эди.

— Қуй, тўлатиб қуй! — дедим Аливойга.

Унинг чеҳраси яна ҳам очилди. Ўсиқ киприкларини тез-тез қоқди ва яйраб кулди.

— Яшовор, ана бу йигитти иши! Аммо жа-а шерик чиқиб қолдинг-ку! Баҳром билан Тоҳирди йўлда қолдирасан, чоғи.

Баҳром ва Тоҳир... Бу исмларни биринчи марта эшитётган эдим. Аливойнинг гапидан улар яхши улфатлар эканлигини билиш қийин эмасди.

Тўртинчи стаканни ҳам бўшатдим. Аливой стаканни қўйишим барабари уни яна ярим қилиб тўлғазди. Аммо бунисини ҳам ичдимми, йўқми, ҳали-ҳали эслай олмайман.

Эрталаб ўзимга келдим. Бошим зилдек, кўзимни ҳар қанча очай десам ҳам, сира очолмасдим. Гир-атрофим шип-шийдон чўл. Аливойни излаб туришга тоқатим ҳам,

вақтим ҳам йўқ эди. Бошлиқнинг: «Эртадан ишга чиқасан, бугун дамнингни оливол», деган сўзлари эсимга тушди. Бироқ участкага тезроқ етай дейман, қани бу оёқ ўлгур енгил кўтарилиб босилса. Худди товонимга тош боглаб қўйилгандек...

Қурилиш участкасига бир амаллаб етиб келдим. Бошлиқ уст-устига савол ёғдира бошлади. Серқош, гавдаси йўғон, йирик-йирик кўзлари бургутникидек чақнаб турган бу кишининг фамилияси Салимжонов эканлигини кейинроқ билиб олдим.

— Аливой қани?— деди у.

— Станцияда қолди.

— Қаерда?

— Станцияда.

— Нега?

— Билмадим.

— Докторга кўриндим?

— Йўқ.

— Ҳа? Нима учун?

— Билмадим.

— Нимани биласан?

Ерга тикилганча, жим туравердим. Аммо нчим тир-маланиб, бошим гир айланаётганини, ўлгудек ичганимни бошлиқ билдими, йўқми, айта олмайман. Бошлиқ тажанг бўлиб турди-да, менга ўқрайиб қаради, лаблари пирпиради ва кулранг шимининг чўнтагига қўл тикиб ниманидир излади. Унинг қални лаби йўғон гавдасига ярашмаган ҳолда пир-пир учди, сўнг буйруқ оҳангида деди:

— Бошинг билан жавоб берасан!

Зовдан қулаб тушгандек, гандиракладим. Аммо сир бой бермаслик учун ўзимни дадил тутишга уриндим. Бу нима кўргулик! Бошимга қандай ташвиш орттирдим? Кўзим яшиндек чарақлади. Шармандалик-ку, бу! Одамлар айтмайдими, олдин ишни қойил қил-да, кейин ич, демайдими! Бошим, ғовлаган бошим!..

Бошлиқ одамлар ивирсиб юрган бир объектни кўрсатди.

— Бугунча ҳў, ановинда ишлаб тур,— деди.

Ўша жойга бордим. Ориқ, бўйин томирлари бўртиб чиққан, сариққа мойилроқ ўсиқ мўйлови мағрурлик ва савлат қўшиб турган киши қўли билан менга «буёққа!» дегандек имлади. Бу кишини мен дарров танидим. Аливойга қўшиб мени разъездга жўнатиб юборган шу одам эди. Қия қўйилган қўлбола тахта зинапоядан бир-бир босиб у кишининг ёнига бордим. «Саломалейкум», дедим бир қадар паст овозда. Бригадир саломимга алик оларкан, кўришиш учун менга қўл узатди. Кўришгач, кафтининг бир чети билан мўйловини ростлаб қўйди.

— Нега кечадан бери даракларинг йўқ, йигит? — деди бригадир шошмасдан сўзларини дона-дона қилиб. — Начальник сўрагани сўраган. Нуқул, Аливой қани, дейди. Ўзи уч бригадир одам бўлсак, бир кишиниям йўқлиги билинди-қолди. Нима дейишни билмай тургандим.

Мен Салимжоновга нима деган бўлсам, бригадирга ҳам шундай жавоб қилдим. Бригадир юзимга бир зум қараб турди-да:

— Ҳа-е, бўпти! — деди бамайлихотир. — Исминг ким?

— Собир,— дедим.

— Меники бўлса Турсунбой, а, фамилиям Турдиев. Ана, танишибам олдик, йигит. Энди ишга ўтайлик, а? — деди ва пастдан кимнидир излаб чақирди. — Холиёр, ҳў, Холиёр, буёққа кел.

Холиёр тахта зинапоя устидан тап-тап югуриб тепага чиқиб келди.

— Ҳа?

— Шогирд керакми? — деди бригадир.

— Керак.

— Бўлмаса, танишиб қўй, бу йигит бугундан сенга шогирд,— бригадир Холиёрга мени кўрсатди.

— Хўп,— деди Холиёр менга зимдан қараб олиб кўришаркан.

Замбилда ғишт ташийдиган бўлдим. Холиёр бунинг сабабини қисқа қилиб тушунтириб берди.

— Қўтариш крани битта, аммо қурилиш ишлари уч жойда, эрта-индин кўпайтирамиз, дейишаяпти.

Тўда ғишлардан шошмасдан замбилга тахларканман, Холиёр сўраб қолди:

— Олдин қаерда ишлагансан?

Мен зўрга:

— Ҳеч қаерда, ўнни битказганман, холос,— дедим ва киприкларимни пир-пир учирганча унга кўз қиримни ташладим.

У замбилнинг олд тутқичларидап ушлаб:

— Бўлди, кўтардик,— деди.— Ҳеч қаерда ишлаган бўлсанг, энди ишлайсан, ўрганасан.

У олдин, мен кейин баландга кўтарила бошладик. Эҳтиёткорлик билан қадам босаман. Замбилнинг тутқичлари орасидан зинапоянинг кўндаланг михланган «оёқ илгич»ларига тез-тез қараб қўяман. Оёғим тойиб кетса борми, нақ пачағим чиқади-я! Мана яна икки қадам боссак, биринчи қаватга чиқиб оламиз. Холиёрнинг кенг яғринига қараб қўйдим. У ҳеч нарсани ўйламас, гўё туғилишдаёқ шу ишга яратилгандек эди. Йўғон билаги ва полвонларники сингарн миқти бўйни кенг яғринига ярашиб тушган эди. У қадамни дадил ва ишонч билан босар, тобора юқориларди. Мен эса ҳар қадам қўйганимда тахта зинапоядан тапиллаган овоз чиқар ва зинапоя қалқиб қоларди. Шунда замбил ҳам гоҳ у, гоҳ бу ёнга қийшайар, Холиёр эса ҳеч нима демасдан бўйнини кериб, елкаси оша кўз қирини ташларди-да, «қалай, болакай?» дегандек ичида кулиб қўярди.

Мен Холиёрга аллақандай сеҳрга тўла кишига қарагандек тикилдим. Биринчи қават! Биринчи замбилни эсон-омон чиқардик. Юрагим тез-тез ура бошлади. Тинимсиз нафас олардим. Юзимдаги тер маржонлари кўзимни очирмай қўйди.

— Чарчадингми? — сўради Холиёр.

— Йўғ-е,— дедим кўзимни олиб қочиб, атрофга аланглаганча.

— Яширма, уяти йўқ. Ҳеч ким ҳам онадан қурувчи бўлиб туғилмаган. Бугун озроқ, эртага сал кўпроқ... Шундай қилиб пишийсан-да. Пешанангдаги терларни артиб ташла.

Кўнглим анча яйради, дадиллашгандек бўлдим. Аммо иккинчи замбилни чиқаришда тиззам зирқираб, қўлимдан қувват қочди. Зинапоя устига чўккала тушиб қолганимни биламан. Кўз олдим жимираб, олам қоронғилашгандек бўлиб қолди.

Холиёр қўлтиғимдан ушлаб, бинонинг соясига ўтказди, юрагим уриши босилгандек бўлди. Бироқ беҳол эдим, чўзилиб олдим. Бошим ари уясига ўхшайди, тинимсиз ғувуллайди, ёрилгудек огрийди. Кулги бўлдим— иш бошиданоқ лапашанглигимни кўрсатдим-қўйдим. Бу таъна мени эзарди, ўзимни аямай сўкардим, станциянинг қайси томонидадир чўзилиб қолган Аливойни сўкардим. Холиёр стаканда қуёш тафтида илиб қолган сув келтирди. Қотган танглайим намлиниб тамшандим. Ичагим узилгудек қуруқ йўталдим.

— Отган экансан-да? — деди Холиёр.

Унинг саволи қизиган темирга тушган томчидек мени сескантириб юборди.

Холиёр иккинчи қаватга чиқиб, бригадирга ёрдам бера бошлади. Бирон киши мен ҳақимда миқ этмади. Ҳатто «нима қипти», деб ҳам сўрашмади. Фақат тушлик нонуштага чиқиш олдидан Турсунбой ака тепамга келиб:

— Ҳа? — деди.— Кўникмагансан... Шунақа бўлади ўзи...

— Йўқ, сабаби бошқа,— дедим зўрға минғирлаб.

— Нима сабаби?

— Ичгандим.

— Қачон?

— Кеча, Аливой билан.

— Ҳи-и... Буни қара-я? Шунақа де!...

...Бир ҳафта бўлдики, гишт ташияпман. Зинапоядан аввалгига қараганда тезроқ югуриб-чиқиб тушадиган бўлиб қолдим. Бригададагилар гап тополмай қолишганда, менниг ўша биринчи куни чўзилиб ётиб олганимни эслаб ҳазиллашишади. Жуда ўтказиб юборишса, хомуш бўлиб қоламан. Яна ўзлари юпатишади. Биз ҳам шундай бўлганмиз, деб қўйишади.

Бугун шанба, ишчилар объектдан эртароқ қайтишди. Атрофи юпқа тахта билан ёпилган, усти очиқ душхонага кириб ювиндим. Ором олиб, енгил тортдим. Ки-йимларимни алмаштириб, лото ўйнаётган кишиларнинг ёнига бордим. Аливой ҳам бир чеккада. Қўлида номерланган лото карталари. Диққат билан қайсиниси чиқарқин деб, гоҳ халтага, гоҳ олдида ёйғилиқ картон қоғозларга қараб ўтирибди. Аливой билан ўша чанг-бўронли кундан кейин гаплашганимиз йўқ эди.

Қуёш тоққа тегай-тегай деб қолганди. Берилиб қарасанг, чўл ҳам чиройли кўринаркан. Худди юраги гурс-гурс уриб тўлғаниб ётгандек. Узоқ-яқиндаги тепаликлар жим, ниманидир тинглаётгандай. Қуёш миниб олган Қоракамар тоғи ғадир-будирларига кўз тикаман. Ғалат!... Чўлни мадад кутиб ётган одамга ўхшатгим келади...

Шундай боши-адоғи йўқ хаёлларга чўмиб ўтиргандим, елкамдан кимдир сиқиб ушлади. Ялт этиб бурилиб қарадим — Аливой!

— Мияси айниб, ақлдан озмасин деб раҳмим келди, огайни,— деди бу башарасини буриштириб.

Кулиб қўйдим.

— Кулишинг бошқача?

— Кулишга ҳам қўймайсанми?

— Кул, аммо тишингди оқини кўрсатмай кул.

— Ҳали ёшлиқ қиласан, буюришга!

— А, нима дединг? Яна қайтар-чи?

— Ёшлиқ қиласан!

— Эй,— деди гижинглаб Аливой,— сенга манави хумкалла керакми? Ша-арт юлиб оламан-а, аблаҳ! — у иягимга мушти билан туртиб-туртиб қўйди.— Сан лақмасан, Салимжоновга станциядаги бўлган гапларди оқизмай-томизмай айтиб бергансан!

— Бекор гап, ким айтди? — дедим. Бутун вужудим титрар, терга тушиб кетган эдим. Менинг қаршимда гўё одамхўр ваҳший турарди. У мени тилка-пора қилиб ташлайдигандек. Йўқ, чўлдаги, ҳов, ўша туяқорин каби яшаш учун курашишим керак, дедим ўзимча. Шу умид, шу далда қаддимни тик қилгандай бўлди, ўзимни тетик тутдим. Аливой эса ҳамон ўшқирарди:

— Сани лақмалигинг сабаб, сир ошкор бўлди, аблаҳ, билдинг! Ман нима дегандим санга, хумкалла! Ман ҳали ҳеч кимга жилов бермаганман. Ман ўз сўзим, ўз ҳукмим билан яшайман. Билдинг! Сан бўлса, калла деб ошқовоқни кўтариб юрибсан.

— Кўпам ҳаддингдан ошаверма, Аливой. Мен сени ҳеч кимга сотган эмасман.

— Бошлиққа учиб қолди, деб сафсата айтган ким?

— Бошлиққа эмас, бошқа кишига айтганман.

— Кимга?

— Бир кишига-да. Бунини сенга ҳеч алоқаси йўқ. Лекин Салимжоновга айтган эмасман.

— Айтгансан, ўзингди яхши кўрсатиш учун ялоқилик қилгансан.

— Хўп, айтдим, ана, айтдим! Қўлингдан нима келадиди?

— Нима келади? Нима... нима қилишимди кўрсатиб қўяман! — У шакар томирим аралаш мушт туширди.— Мана сенга, яна... М-ма-а-на!..— Шу заҳоти тиззаларимни букканча қийшайдим ва жон-жаҳдим билан оч биқинига туширдим. У кутилмаганда ўқ еган каби инқиллади ва биқинини ушлаганча юмшоқ қум устига ағанади.

Ҳовлиққаннимдан юрагим кўкрагимга сиғмай қолди.

Юрай десам, оёқларим жонсиз бўлиб қолгандек. Нималар қилиб қўйдим-а! Бу қандай безорилик, бемаънигарчилик. Таёқ есанг е-ку, аммо мушт кўтармасанг, осмон қулаб тушмасди. Палатка томон боряпман, бир қадам босаман, бир кўзларимни катта-катта очиб, изимга қараб қўяман.

Аливойни уриб ағнатадиган куч қачон пайдо бўлганди менда? Ҳеч ақлим етмайди, ҳеч ишона олмайман, Аливойни уриб йиқитганимга! Аливой ўрнидан турди, у худди станцияда ичиб маст бўлгандаги кўйга тушган эди. У бошини ҳам қилганча кир костюмининг чангини қоқди. Энди нима фалокат юз бераркин? Бироқ, Аливой ҳеч нима бўлмагандек, палаткага кириб кетди. Кейин зум ўтмай, кўйлак-майкасиз ташқари чиқди-да, душхонанинг эшигини ғийқиллатиб очиб, тақ этказиб ёпди...

Эрталаб ҳаммамиздан олдин Холиёр уйғонди.

— Собир, тур,— деди у ташқарига чиқа туриб,— бугун кийим-бошни чайқаб оламиз.

Бу гап менга эриш туюлди. Чунки ўз кийимимни ҳеч қачон ўзим ювмагандим. Кийимим кир бўлдим, онам: «Собир, алмаштир», дердилар, бошқаси билан ишим бўлмасди. Ётганча бундай ўйлаб қарасам, ростдан ҳам одам сонидан чиқаёзгандим. Кўнглим ғаш бўлиб, ўрнимдан турдим. Қудуқ ёнига бориб, юз-қўлимни чайдим. Сув тип-тиниқ, муздай, аммо тахир, айтишларича, бир юз олтмиш уч метр чуқурликдан қазиб чиқарилибди. Нонуштадан сўнг, Холиёр билан канал бўйига бордик. Каналнинг сиртлари бетонлаш учун текисланиб ҳозирлаб қўйилганди. Холиёр қўлига тош олиб канал тубига отди ва:

— Қанийди, ҳозир лиммо-лим сув оқиб турса, роса чўмилардик-а. Кийимларни ҳам шу жойда, канал бўйида ювиб олардик. Биласанми, маҳалламизда каттакон ариқ бор. Болалигимизда эрталабдан қоронғу тушгунга қадар сувдан чиқмасдик.

— Қаерликсан ўзи?— дедим қўққисдан.

- Гулистонлик.
- Бу ерда нима қилиб юрибсан?
- Сен-чи?
- Мен шу ерликман...

Холиёр кулди.

— Гап шу ерликда эмас, оғайни, юрагингда ўтинг борми? — Мен унинг оғзига тикилдим. — Нега жим ўтирибсан? Ўтинг бўлса, аланга олдир-да! Қара, ён-веринга, неча гектар дейсан шу чўлни?

— Ким билсин, — лабимни чўччайтирдим.

— Мен ҳам билмайман, — у кўзларини қисиб, олисларга қараб қўйди. У бу ерларнинг қанчалигини ҳали ҳам билолмаганлигидан афсуслангандек эди. — Кимлардир ўлчаб, ҳисоб-китобни олиб қўйгандир балки.

— Балки.

Холиёр кафти билан қум тортиб, оёқларини кўмди.

— Лекин вақти-соати келиб, бу ерлар ҳам худди бизнинг Гулистон сингари гулларга бурканади. Кўчалари кенг, маржондек қатор чироқлари нур таратиб туради. Ўз кинотеатри, истироҳат боғи бўлади. Ана шунда сен, Собир, бизни ҳам бир эсга олиб қўясан-да. Ҳа, Холиёр шундай деганди, аммо зап башорат қилган эканда, деб! — Холиёр кулди. — Башорат... Буниси-ку, ҳазил, Собир. Аммо йиллар ўтгач, ўз қўлинг билан қурилган биноларга завқ билан қарайсан, шунда бу ерларда ўтган кунларинг зое кетмаганидан қувонасан. Буниси рост. Хўш, майкаларни ювамизми? Шу жойга икки челақ сув олиб келамиз-да, ювамиз.

Биз кийим-бошни энди чайқаб ҳам бўлган эдикки, палаткамиз томондан машина босиб-босиб сигнал берди. Холиёр бўйнини чўзиб, у томонга қаради ва: «Оҳ-о, автобус! Шофер, қани, чиқинглар-чи, акавойлар, сизларни бир Термизи азимга сайр қилдириб келай, дейсайди, ҳали, а, Собир!» — деди. Биз шоша-пиша кийиндик.

Бошқалар ҳам қудуқ бўйндан, канал томондан, душхона атрофидан ҳўл кийимларини қўлтиқлаганча ке-

либ қолишди. Аливой қуёшда куйган буғдойранг бада-
нини йилтиратиб, бир-бир қадам босганча сержун кўк-
рагини ншқалаб етиб келди. Автобус шаҳарга эмас,
район маданият уйи ҳаваскорлари концертига олиб ке-
тиш учун келган экан. Хуллас, дам олиш кунимиз ёмон
ўтмади, назаримда. Аммо эртаси кун таъбим тирриқ
бўлди. Бунга ҳам Аливой сабабчи.

Турсунбой ака уни ғишт теришга қўйди. Холиёрни
ҳам ёнига олди. Янги келган йигитни менга шерик қи-
либ берди. Олти киши ғишт ташиб, қоришма етказиб
берамиз, уч киши ғишт теради. Аливойга янги келган
йигит билан мен ҳаммасини тахт қилиб беришимиз ке-
рак. Унинг ҳам унча уқуви йўқ, менинг ҳам. Қоришма
чиқарсак, ғиштга улгуролмаймиз, ғишт чиқарсак — қо-
ришмага.

У хезлаган сайин менинг елкам тиришар ва атайин
имиллаб ҳаракат қилардим. Бунинг устига қуёшнинг
найзадек ўткир тиғи бошга санчилгудек бўлар, сал фур-
сат топсам-у, нафасни ростлаб олсам, дердим. Пастда,
девор соясига қўйилган флягадан сув олиб ичдим ва соя-
да бир оз чўнқайиб ўтирдим.

Аливой пастга бўйнини чўзиб бақирди:

— Ҳо, олифта, бўл-да, энди.

Эшитмаганга солдим.

— Ишлайсанми, йўқми?

— Йў-ўқ! — томоғим қирилгундек бақирдим.

— Келганингга икки кун бўлгани йўқ, тоганди эша-
гига ўхшаб, қулоғингди орқаси терлайди. Тур, қани, ўр-
нингдан!

— Сен эшак! — кўзимни найза қилиб тикилдим.

У бошқа ҳеч нима демади, қўлидаги ғиштни текислаб
деворга қўйди, кейин пастга югуриб тушиб, шеригим би-
лан бирга замбилда ғишт кўтариб чиқди. Унинг қово-
ғи уюлган, кўзлари ичкари кириб кетган, агар қўлидан
келса, ҳозир тилка-пора қилиб ташлайдиган шашти бор
эди. Мен ҳам секин юриб, тепага чиқдим.

Бригадир ҳеч нарсадан хабари йўқдек, япроқ нусха андава билан ярим гиштни иккига бўларкан, қия бурилиб, Аливойга қаради.

— Аливой, гишт ташияпсанми?

— Бу жўжани қаердан топгансилар, чурқиллагани-чурқиллаган, ўзи бир гиштга кучи етмайди-ку... Келганини олаверишдан нима фойда, тупроқ ҳам танланади-ку, ахир.

Турсунбой ака ҳеч нима демади. Аммо ишчиларнинг ҳаммасига эшиттириб айтилган бу гаплар эт-этимдан зирқираб ўтиб кетди. Тик, худди якка ўсган теракдек серрайиб қолган эдим. Шу гапларни эшитгандан кўра, қўлингга таёқ тутиб, чўпонлик қилмайсанми, Собир, дедим ўзимга. Аммо бургага жаҳл қилиб кўрпани куйдирайми? Аливой ким бўпти? Тегирмон навидан лойқа сув ҳам, тиниқ сув ҳам ўтади. Оғзидан чиққанини билмаган кишига гап уқтириб бўладими? Сўнг ишда аччиқ ҳам, чучук ҳам бўлади, хафалик ҳам, кулги ҳам. Ўзимга ўзим берган бу тасалли кўнглимни хотиржам қилди.

Орадан бир неча кун ўтгач, ишдан кейин қурувчиларнинг умумий йиғилиши чақирилди. Унда бир масала — қурилиш объектларидаги аҳвол муҳокама қилинди. Мажлисида бригадирлар ютуқ-камчиликлар ҳақида ҳисоб бердилар. Турсунбой ака ишимизни бир амаллаётганимизни айтиб келиб:

— Аммо,— деди,— зўрга эмас, ошириб ҳам бажаришимиз мумкин. Бироқ қурилишга келган ишчиларнинг тажрибаси йўқроқ, улар шу ерда қурувчиликни ўрганаётирлар.

Кимдир луқма ташлади:

— Масалан?

— Масаланми? Мана, бизнинг бригадада ишлаётган Собир Тоғаев, янгидан келган Нурали Омонов... Бундайлар бор, анча...

Турсунбой ака яна нималар деди, эсда сақлаб қолол-

мадим. Ишга борсам, Аливой юлқиласа, кечқурун кўпнинг ўртасида ишбилмас деб ёмонлашса. Нима қилиш керак?..

Бир пайт қарасам, қўлида кепкасини ғижимлаганича Аливой сўзлашга тайёр турибди. Ҳамма жим, нима деяркин, деб қулоқларини динг қилиб ўтиришибди.

— Турсунбой ака тўғри айттила,— деди Аливой,— ишчилар чертиб олинмаяпти. Буминан катта хато қилин-япти. Бошқаларди уларга ўргатаман деб вахти кетаяпти. Буни устига уларга ишониб, ишди бошқа томонлари ётиб қолаяпти. Бир мисол: Собир деган қўлидан бир мирилик иш келмайдиган комсомолди ишга олганмиз. У гап сотиштан нарига ўтолмайди. Ўрганишдиам истамайди. Хўш, булар минан қандай ишлаш мумкин? Қорани кўпайтириб нима қиламиз! Жавобини бериш керак, борсин, ўзига яраша иш топсин. Шу, Собир деган болани кет десангизам кетмас-ов. Хўп, кетмайдиган бўлса, иш қилсин-да, а, нима дейсизлар? Тўғриси айтсанг, яна кўнглига олади, баччағар.

Залда гурр кулги кўтарилди.

Аливойнинг сўзларини охиригача тинглашга бардошим етмади. Йигилишдан сидирилиб чиқиб кетдим. Ў-бу нарсаларни халтага жойлаб қўйдим. Кейин кўйлагимни ечиб ташқари чиқдим. Илик қумга яғринимни бериб, кафтларимни бошим тагига қўйдим-да, қоп-қора тундан нималарнидир излагандек киприк қоқмай бир нуқтага тикилиб турдим. Хаёл ҳарёққа олиб қочади. Тилсиз тун! Менинг қалбим нима деяётганини, бошимда нималар гирдобда қолган хас-хус каби тартибсиз ҳаракат қилаётганини биласанми? Сен лолсан, албатта, тилинг бўлганда, бирон нима деярдиг, аммо менинг ҳозир, шу онда, бошқа сирдошим йўқ. Хўш, айт-чи, Аливой ҳақми? Эҳ, ёмонга чиқсанг, ёмон бўлиб кетавераркансан-да. Сояда сал турсам турибман-да, гуноҳ иш қилибманми? Шундан бери Турсунбой аканинг ҳам назари совуқроқ, ҳў, у кун ишдан қайтгунча қочириқ ҳам қилди:

— Чарчабсиз-да, Собирвой, лекин бугун чарчадим десангиз аргигулик иш қилдингиз,— деди.

Кўпчиликка қўшилиб кулиб қўйдим. Шундай пайтда киши ерга кириб кетгудай бўларкан. Назаримда, Турсунбой ака ҳам Аливойларнинг тарифини олаётган, уларнинг гапини маъқуллаётгандек бўлиб туюлганди ўшанда менга.

— Нима десангиз ҳам тўғри. Тетапоямиз, Турсунбой ака,— дедим паст овозда. Аливойга жон кирди. У атайин товушини баланд олиб кулди.

— Тетапой? Ҳа-ҳа-ҳа!

Келганимга неча кун бўлган бўлса, қум тепадаги «учрашув»дан кейин Аливой ҳеч ботиниб гапиролмаганди, бундан ўзим ҳам ич-ичимдан ғурурланиброқ юраддим.

Бийдай чўлнинг бир бурчагида ўтириб ана шуларни ўйлардим. Теварак-атроф қоп-қоронғи. Элас-элас шамол эсади, кунбўйи олов бўлиб қизиган бепоён дашт сиртидан кўтарилган иссиқ ҳовур димоққа урилади.

— Собир!

Бу овоздан чўчиб тушдим. Қочишга шайлангандек, беихтиёр олдинга қараб икки-уч қадам ташладим, кейин ўзимни хиёл босиб, ортга бурилдим. Шундоққина ёнимда Баҳром турарди. Баҳром ҳақида дастлаб Аливойдан ўша станцияга борган кuni эшитгандим. Аливой уни яхши улфат деганди. Баҳром бизнинг бригадага хизмат қилади. У машинада гоҳ цемент, гоҳ шағал-қум ташийди. Баъзан станциядан ғишт ортиб келади. Бригадир иш топиб берса, бас, унга, кеча демай, кундуз демай ишлайверади. Меҳнатига яраша пул ҳам олади. Лекин олган пуlining баракаси йўқ. Ой охирлайвергач, уч сўм бер, тўрт сўм берга тушади. Баҳром Аливой сингари бетга чопар эмас. Бир қарашда оғир ва бамаъни йигитга ўхшайди. Йўгон гавдаси, қалин қошлари остидаги ўткир кўзлари, дўрилдоқ овози ҳам унга салобат бериб туради. Кўплар у ҳақда гап кетганда, ўзи ду-

руст йигит-у, аммо, ичиши чатоқ-да, деб қўйишарди, холос. Шу билан Баҳром ҳақидаги гаплар ниҳоясига етарди. У ҳозир менинг ёнимга қаёқдан келдйкин? Менинг бу ерда турганлигимни қайдан билди у? Ёки Аливойнинг ана шундай заҳар гаплари бор, ошнам, чидасанг шу, чидамасанг, ҳайт де-да, жўнаб қол, ҳали у сенинг бошингда ёнғоқ чақади, дейиш учун келдимикин? Шуларни ўйлаб дағал овозда:

— Ҳа, нима дейсан? — дедим. — Тинч қўясанларми, йўқми?!

— Собир, Собир... Упкангни бос, ошнавой. Биламан, ҳозир асабларинг бузилган. Яхши гапам қулоғингга совуқ, дағал эшитилади. — Баҳром қўлини қўлтиғимдан ўтказиб олди. Бир оз жим юрдик. У елкамга енгилгина туртди. — Ҳей... сени қара-я!.. Ҳаммасига ўзинг сабабчисан, ошнам, — деди.

— Мен? — бош бармоғимни кериб, кўкрагимга ниқтаб қўйдим. — Қандай?

— Ҳа, сен, ўзинг... Аливой минан ўчакишиб, нима қиласан. У, бари бир, сени енгади.

— Енгади? Енгибам бўпти!

У менинг бу сўзларимни эшитмагандек давом этди:

— Ўнг томондан келсангам, чапдан келсангам, бари бир, пайт пойлайди-да, елкасидан ошириб отади. Яхшиси, ошнам, у миnam ўчакишма.

— Ўчакишганим йўқ. Ўзи тентаклик қилаяпти.

— Ҳа, рост, уни тентак десанг-тентак. Аммо мен сенга айтсам, у улфатларидан жониниям аямайди. Чўнтагида бир чақа қолмагунча ўртада баҳам кўради. Мард деса, мард йигит у. Ке, Собир, шу тепаликда бир оз ўтирайлик. Оёқларим зирқираб оғрияпти.

Мен тепаликда палаткалар тикилган томонга қарадим. Қоронғи тун бағрини тилиб турган бир жуфт чироқнинг симёғоч тепасида йилт-йилт нур таратиб туриши бу ерда одам яшаётганидан белги берарди. Даштнинг бошқа бирон жойида йилт этган нур йўқ эди. Холиёр-

нинг айтишича, бир қанча вақт шу чироқ ҳам бўлмаган. Бир кун Баҳром тракторнинг эски мотори бўлса, шу атрофни ярақлатиб қўярдим, деган. Мотор топиш қийин бўлмабди. Қайсидир колхоздан ўша куниёқ топиб келишган. Баҳром уч-тўрт кун моторга уннаб, кам-кўст қисмларини жойига қўйиб, уни юрғизган. Шу орада палаткаларга ҳам сим тортиб, лампочкалар қўйиб чиққан. Мотор нур бера бошлаган куни роса байрам бўлган.

Баҳром кафтларини боши остига олиб, юлдузларга тўла осмонга қараганча секин сўзлай бошлади:

— Мен биламан, сен кетмоқчисаи, шундайми?

Ялт этиб унинг юзига тикилдим.

— Қаёқдан билдинг?

— Биламан-да, сен бугун тундаёқ жуфтакни урмоқчисан. Аливойдан қўрқиб, қочиб кетаяпсан. Аммо, яхши қилмайсан. Бир умр дашномдан бош кўтаролмайсан. Ота-онанг, ёр-жўраларинг нима дейишади? Ҳа, кепсан, омон бўл, ана, кетмон, далага чиқавер, дейишмас, албатта. Уларнинг ўрнида мен бўлсам, нега келдинг, иши оғирмикан ёки бардошнинг чидамадими, деб сўрайман, албатта. Хўш, шунда нима деб жавоб берасан?

— Нима қилай, айт, бўлмаса?

— Аливойга бор, биздан бир хатолик ўтса ўтибди-да, кел-е, улфат бўлайлик де, тамом-вассалом. Шунда сени ҳар қандай фисқ-фасод гап-сўзлардан ҳимоя қиладиган дўстларинг бўлади. Ҳозир-чи? Яккасан. Якка отни чанги чиқсаям, донғи чиқмас... Сен Холиёрга ишонма. Ҳов, у куни Қоракамарга маёвка қилдик. Бозор куни, эсингдами? Ўшанда сен бошқа бригада ишчиларига қўшилиб, Болдир томонга боргансан. Нима, бизнинг машинада сен учун жой йўқмиди? Бор эди, албатта. Лекин Турсунбой ака ҳам, анави, сен ошнам деб юрган Холиёр ҳам: «Ухлайверсин, кеча ғишт теришни машқ қилиб, хуфтонгача объектда қолиб кетган. Арманига тайинлаймиз, бирга олиб кетади», дейишди. Аслида-чи,

улар сени ўзлари билан бирга олиб юришни исташмади. Бўлмаса, нега мени уйғотишди? Аливойни эса Холиёрнинг ўзи турткилаб жойидан турғизди. Ана, кўрдингми, гап қаерда? Э, ҳали ғўрсан-да, Собир, ошнам, ғўрсан!—Баҳром ўрнидан туриб кафтларидаги чанг-чунгни қоқди. Қоронғида иккита кумуш тишини йилтиллашиб тиржайди ва қўл узатди.—Хўп, хайр, ошнавой.

— Баҳром! — томоғимга нимадир тиқилгандек, овозим хириллаб чиқди.— Баҳром, тўхта! Ҳалиги... Мен ҳеч қаёққа кетмайман. Майли, Аливойни олдига борайлик, юр!

Баҳром мени қучоқлаб олди.

— Ана, бу бўлак гап, ошнам. Ҳозир яримта топа-миз. Аливойга усиз сўз уқтириб бўлади, дейсанми! Мана бу ўғил боланинг иши. Мен сенга гарантия беришим мумкин: ҳам қочоқ деган ифлос номдан қутулдинг, ҳам танқид-дашномдан.— У бўйнимдан яна қучоқлади, елкамга қоқди.

Аливой билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдим. Сирдош топдим ишқилиб. Кўнглимда нима гап бўлса Аливойга айтаман. Баъзи гапларимни кўзини ярим очиб, эриштинглайди. Суҳбатим кўнглига ёқмаса, қўл силтаб қўя қолади. Кўпроқ Турсунбой ака, Холиёрларнинг ютуғи ҳақида сўз борганда гапни чўрт кесади.

— Бас қил, хўш, жон куйдиргани минан биров раҳмат дептими? — дейди ва ароқ истаб қолади.

Турсунбой акадан ўзимни олиб қочиброқ юрдим. Назаримда, нохосдан бирон қўрс гап айтиб, жеркиб ташлайдигандек эди. Анча бўлди, ғишт ташияпманми, йўқми — суриштирмайди. Мен ҳам ҳеч нарсa демасдим. Аммо Турсунбой аканинг қачон бўлса ҳам мени бир тергашилини сезардим. Худди шундай фурсат қурилиш бошқармаси тузилган кечага тўғри келди. Тантанали йиғилишдан кейин район ҳаваскорлари ижросида концерт қўйиб беришди.

Қизлар рақсга тушганда, Аливой ўзини тутолмай қолди. Уст-устига «дўст, до-дод» деб бақираверди. Турсунбой ака олдинги қаторда ўтирган эди. Ўрнидан туриб, «жим» дегандек қўлини силтаб-силтаб қўйди. Аммо Аливой ҳам ўтирган жойида бамайлихотир қўл силтаб қўяр ва шовқин соларди. Бир вақт икки киши келди-да, Аливойнинг қўлтиғидан ушлаб ташқари чиқармоқчи бўлди. Аливой дўқ қилди:

— Йўқол! Янчиб ташлайман!

Баҳром ҳам қаердандир етиб келди. Мен ҳам чирандим:

— Тегма, жойингга бор!

Турсунбой ака кўзлари косасидан чиққудек бўлиб, биз томон келди. Аливойга ўқрайиб қаради. Ниҳоят, тилга кирди:

— Тур! Жўна!

— Қаёққа? — талмовсиранди Аливой.

— Жўна деяпман!

Аливой истар-истамас ўрнидан турди.

— Кетсак кетдик-да! Юр, Собир,— деди у.

Мен ҳам қўзғалдим. Турсунбой ака менга қўлини ниш қилиб, турган жойимни кўрсатди.

— Ўтир, жойингга!

Концерт тугагач, ишчилар палаткалар томон йўл олишди. Мен ҳам бир-бир қадам босиб, тўпга қўшилиб боравердим. Кўнглим жуда хижил эди. «Нега отдим-а? Яхши бўлмади, ишқилиб». Шундай хаёллар билан бўлиб, одамлардан ортда қолган эканман. Кимдир секингина тирсагимдан ушлади. Бурилиб қарадим. Чиндан ҳам юрагим қандайдир бир нарсани сезиб турарди. Мана, унинг ўнги — Турсунбой ака мен билан ёнма-ён бо раётир.

— Ўзлариям ҳамтовоқ бўлиб олиптилар-да. Бу, дейман, разъездга тушиб, жа-а қалин бўп кетдилар, шекилли. Мен унинг паттасини қўлига бераман, ҳали. Лекин

сенгаям қораси юқиб қолмасин, бола. Ахир, мен бригадирман-ку. Мени назарга илмасаларинг, сенлар кимга дов берасанлар. Бўйни йўғонларни жиним суймайди, ундайларни елкасини силайдиган қўлим йўқ.

Мен Турсунбой аканинг айтганларини Аливойга сўзлаб берган эдим, у қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Ҳа-аҳа-а!.. Роса чайналипти-да, аммо! Сени содда билганми, ёш деганми, нима ўйлаган бўлса ўйлагандир, аммо роса миянгди ачитипти-да, ҳа-ҳа-ҳа!

Аливойнинг мақтанишлари, Баҳромнинг кўкрак керишларига кўникиб қолдим. Ўша тунги суҳбатдан кейин Турсунбой ака ҳам терс бўлиб олди. Бир куни Аливойни чақириб, унинг қўлидаги андавани олиб қўйди. «Бор, сенга иш йўқ. Ана, бошқа бригадага ўтиб ишла», деди. Аливой соябони узун кепкасини қошигача бостириб кийиб олди-да, ҳуштак чалганча биринчи қаватга тушиб кетди. Кўп ўтмай бош инженерни бошлаб келди.

— Майли, иш бермасаларинг ҳам,— деди Аливой,— аммо пул берасанлар. Шунга ҳўп денг биргат, ман рози.

— Сенга пул ҳам йўқ, иш ҳам,— деди Турсунбой ака.

— Оҳ-о, шундайми?

— Ҳа, шунақа! — Турсунбой ака ғишт теришда давом этди.— Ўртоқ инженер, янги тузилган бригадалардан биронтасига жойлаштира қолинг.

Хуллас, Турсунбой ака ўша куни Аливойга иш бермади. Аммо эртаси Турсунбой аканинг ўзи келди.

— Ишга чиқ,— деди. Мен бунинг сабабини кейинроқ билдим. Бошқарма раҳбарлари Аливойга шу хулқ-атворини кўра-била туриб жавоб бериш ташкилотга қимматга тушишини ўйлаб, яна ишга қайтаришган эканлар.

Кунлар... ҳафталар... Биз станцияга зув қатнардик.

Шанба куни эди. Тунда кеч тарқалишганимизданми, эрталаб аъзон баданим оғирлашиб, ўрнидан туришга

ҳеч хоҳишим бўлмади. Чўзилиб ётавердим. Ишчилардан бир-иккиси: «Собир, тур, бугун чаққон ишлайдиган кун» деса ҳам, сира қимирлагим келмасди. Ишчиларни жўнатгач, Турсунбой ака келди.

— Бу ётиш нимаси! — деди Турсунбой ака тепамага келиб, босиқ овозда. Мен худди у кишининг овозидан уйгонган сингари бир тебрандим-да, керишганча кўзимни зўрға очдим.

— Бу қанақа қилиқ? — Турсунбой ака яна сўради. — Ҳамма ишни ўйласа, сен уйқу дейсан.

Ўрнидан шошмасдан турдим, йиғма каравот устидаги кўрпани текислаб, ташқарига чиқдим. Турсунбой ака киприк қоқмай, мени кузатиб турарди, кейин изимдан у ҳам ташқари чиқди.

— Бўл, тезроқ! — У овозини баландроқ қилиб буюрди. Мен бригадирнинг юзига эриниб ва айни пайтда бамайлихотир тикилдим. Бу менинг, назаримда, биринчи жасоратим эди. Қурувчи бўлганимдан буён бошлиғимизнинг юзига биринчи марта дадил нигоҳ қадаган эдим. Баъзан шундай бўлади: миждозини яхши билган кишингдан сенга нисбатан ортиқча ҳаракат ёки бирон дадилроқ айтилган сўзни эшитиб қоласан, шунда, гўё у сенинг ёқангдан олгандек бўлади. Қовоғинг уюлади, бошингга қон тепади. Хаёлингга келган биринчи ҳукмини адо этмоқчи бўласан. Лекин кейин бу ишингдан ўзинг пушаймон қиласан.

Турсунбой ака мени анча-мунча биларди. Бунинг устига мен ҳеч қачон у кишига шу қадар ўқрайиб қарамаган эдим. Шунинг учун ҳам бригадирнинг жаҳли чиқди.

— Тезроқ қимирла деяпман сенга!

— Бўлганим шу!

Турсунбой ака бошқа гапирмади. Бошини сал қуйи эгиб, объект томон кетди. Мен ҳам совиган чойдан апиттапил бир-икки ҳўпладиму, қурилиш майдонига етиб

бордим. Бурчакдаги усти лой бўлиб қолган тахта ёнида қолдирилган андавамни олиб, кафтим билан сидириб тозалай бошладим. Андавани тозалаб, яна бирпас серрайиб турдим. Кечаги жойимда самарқандлик бир йигит ишлаётган эди. У ҳеч кимга эътибор бермас, чаққон ҳаракат қилиб ғишт терарди. Шунинг учун ҳам унга ҳалақит беришни, чала қолган ишни ўзим поёнига етказишим кераклигини айтишни истамадим. Турсунбой ака эса бурилиб ҳам қарамас, қовоғи ўша ётоқ олдида уюлганича ҳали очилмаган эди.

Оғир-оғир қадам босиб, бинонинг чап биқинидаги дераза учун қолдирилган жойга бордим-да, ўзимга ғишт тўплай бошладим. Сўнг қоришма олиб чиқдим. Зинапояда Холиёр билан учрашдик.

— Нима қиласан бунн? — сўради Холиёр челақдаги қоришмани кўрсатиб.

— Нима қилардим? Билмагандай сўрайсан-а!

— Йўқ, бошқача ўйлама-да сен, мен-ку, тўғрилиқча сўраяпман,— деди Холиёр юмшоқ оҳангда.

— Хўш, билмайсанми, бўлмаса?

— Биладан, биламан, Собир. Аммо тайёридан олиб ишлатавер-да, демоқчийдим.

— Қани тайёри?

— Ана, юқорида, эрталаб чиқариб қўйилган. Ҳам яхши аралаштирилган. Ђиштни жипс ушлайди. Бу бўлса энди тайёрланди. Қара, суви ҳам сингимаган.

Лекин мен қоришмани юқорига олиб чиқдим, ундан андава билан олиб, деворга ётқиздим. Турсунбой ака ишдан тўхтаб, букилган қаддини ростлади-да, турган жойида:

— Собир, ҳо, Собир,— деб чақирди баланд овозда, — буёққа кел.

Мен ана-мана дегунча боравермадим. Олдин андавани челаққа отиб, оёғим ёнидаги ғиштни жаҳл билан нарига суриб юбордим, сўнг худди қад кўтараётган по-

сёлкани кўрмаган каби теварак-атрофни кузатиб чиқдим.

Мен энди қўлимдан андава кетишини аниқ сезган эдим.

— Қоришмани қаердан олдинг?

— Пастдан.

— Нега?

— Ўзим, ўша яхшидек экан...

— Э,— бош чайқади Турсунбой ака,— одамларимиз жуд-да билагон бўлиб кетишган-да!

— Яхшиси, сен қоришманиям, андаваниям жойига қолдир-да, қоришма узелига бор. Инженерни топ. Қоришма маркалари кўрсатилган қўлланма китобча бор. Шунини ҳам ола кел. Бошқасини кейин гаплашамиз.

Қўлланмани олиб келдим. Унда турли хил қоришмаларни тайёрлаш бўйича рақамлар кўрсатиб қўйилганди. Масалан, «100» маркали бир кубометр қоришма тайёрлаш учун қанча цемент, шағал, қум, сув кераклиги шундайгина кўриниб турарди. Мен бундай китоб борлигини биринчи марта кўраётган эдим. Унга узоқ тикилиб қолдим. Мактабда ўн йил ҳисоблаган рақамларим, бунда, тамоман янги, бутунлай бошқача рақамлар бўлиб гавдаланарди кўз олдимда.

— Буёққа қара,— деди Турсунбой ака,— шу бугундан бошлаб қоришма тайёрлашга ёрдам берасан. Бункер кичик. Каттасини ҳали юборишганча йўқ. Ўшангача қоришмани ўзимиз тайёрлаймиз. Ана, икки киши, сен — уч киши бўласизлар. Узелдаги эски бункерни олиб келиб ўрнатасизлар, мотори ҳам ишлайди, созланган.

Ишдан қувилиш даҳшатидан кўра бу топшириқ юз чандон енгил эди. Аммо қоришма тайёрловчи ўз номи ўзи билан, ҳақиқий қурувчи — ғишт терувчи. Шунинг учун ҳам қурувчилар сафида ғишт терувчининг номи биринчи тилга олинади. Ғишт терувчи тоғ бўлса, қоришма тайёрловчи тоғ этагидаги кичик бир тепалик. Шу-

нинг учун ҳамманинг кўзи тоғни кўради-ю, тепалик на-
зардан четда қолиб кетаверади.

Аммо менга бу иш ёқиб қолди. Осонгина. Белкурак
билан қумни темир элакка ким узатиб беролмайди?
Бункерга цистернадаги сувдан ким челақлаб қуёлмай-
ди, дейсиз.

Бўш вақтим ҳам етарли. Мотор гуруллаб ишлайве-
ради, мен эса қум устида бир зум ағанаб, чўзилиб ола-
ман. Фақат учинчи кун сал ўсал бўлдим. Ағанаб олай
деб кўзим уйқуга кетиб қолибди! Бир пайт Турсунбой
аканинг овозидан уйғониб кетдим.

— Бу нима қилиқ!— ўшқирди Турсунбой ака.— Би-
рон-бир ишни ёлчитасанми, ўзи! Эй, сенминап пшла-
ганиям...

Турсунбой аканинг овози бўғилиб қолди. Кейин қў-
лимдан белкуракни илкис юлқиб олди-да, терга ботиб
бункерга қум ташлай бошлади. Шу пайт икки шеригим
ҳам келиб қолишди.

— Бундан кейин,— деди Турсунбой ака мени кўрса-
тиб,— қумни манави туширсин. Икковинг мотор ённан
узоқлашма. Ахир, шу моторни деб қаёқларга бош суқ-
мадик. Аммо ҳеч ким мана мотор, олишлар, демади.
Эскиен билан бир амаллаётган пайтда... Э-э, сени бунга
ақлинг етмайди! — яна ўдағайлади бригадир менга қа-
раб. Турсунбой аканинг бўйин ва билак томирлари бўр-
тиб-бўртиб чиқди. Қўли қалтирар, тез-тез нафас олар-
ди.— Бугун ишдан кейин қолиб ишлаймиз. Шунга маж-
бур қилаяпсан бизни!

Мен бу воқеани жуда тез унутдим. «Иш бўлгач, нуқ-
сони ҳам бўлади-да!» Ўзингга шундай тасалли берсанг,
кўкрагинг оз бўлса ҳам шабадалаб қоларкан. Кўнгил
жуда баландни истайди. Турсунбой ака қумни бошқа
кишпга туширтириб, мени гишт теришга юбора қолса!

У ерда ишлашнинг яна бир ажойиб томони бор, ай-
ниқса шу кунларда. Мана у нима: бошқармамизда уч
гўзал пайдо бўлиб қолди. Сувоқми-ей, пардоз-андозми-

ей, хуллас, шунга ўхшаган енгил-елпи ишларни қилиш-шайпти. Эртадан кечгача биринчими, иккинчими қаватда ивирсиб юришгани юришган. Ҳамманинг кўзи ўшаларда. Иш орасида йигитлар ҳазил-ҳузил гап отиб қўйишади. Қизи тушмагурлар ҳам ўлардай шўхми дейман, йигитлардан ошириб гап ташлашади. Мен гап ташлашдан иймансам ҳам, қора кўзлисига зимдан қараб-қараб қўяман. Баъзан унинг кўзи ҳам тушиб қолади денг. Шағал саралаш карьерига бориб қайтганимиздан кейин юрагим яна ҳам ҳовлиқиб қолди. Нима бўлди денг? Турсунбой акага инженер: «Янги ишчилар келиши билан кинотеатр қурилишини бошлаб юборишимиз керак. Бунинг учун тош-шағал, цемент ва қумни тахт қилиб қўйгач, ҳаммамизга осон бўлади», дебди. Бунинг учун ҳар бригадadan биттадан одам оладиган бўлишибди. Турсунбой ака менга: «Бир кун ёрдам бериб тур, эртага бошқа биронтасини юборармиз», деди.

Бироқ биздан бир эмас, икки кишини оладиган бўлишди. Балки бошқа бирон бригадadan одам олиш иложи бўлмагандир. Бригадиримиз новча қоматини бир оз буккан ҳолда инженерга бир зум нима дейишини билмай қараб тургач, пастга тушиб сувоқчи қизлардан бирини чақириб чиқди. Турсунбой ака ўша қора кўзли қизни танлаган эди. У киши менга тайинладилар: «Ақидда тошни машинадан тушириш учун ёрдам беради, юклашини бўлса ўзларинг бажараверасанлар». Турсунбой аканинг бу буйруғига мен беихтиёр: «Хўп, тушириш ҳам бизнинг бўйнимизда», деб жавоб қайтардим. Аммо негадир бу сўзларни айтганда овозим қалтираб кетди, юрагим қафасига сиғмагандек типирчилаб қолди.

Афтидан, Ақидда бу ишга ўз розилиги билан бормаётган эди. У ўн-ўн беш километр йўлни босгунимизча ҳеч кимга ва ҳеч қаёққа қарамади. Сўзлашишга эса мутлақо тоби йўқдек эди. У гўзаллигини ошкор этишдан чўчиган келинчаклар сингари зангори дуррачасини пешонасига тортиб, соябон қилиб олганди.

Биз тўрт киши эдик. Негадир ҳеч биримизнинг ҳам гапиришга тобимиз йўқдек эди. Фақат учинчи бригададаги бир йигит:

— Узоқми, бу каръери? — деб сўради. Мен билмасдим. Соябони кенг пахоля шляпа кийиб олган майкачан йигит:

— Бу ердан ўттиз-ўттиз беш километр,— деди.— Шеробод дарёси ёқасида. Инженер шунча йўлдан ўн рейс қиласизлар, дейди. Бир кунда улгуриб бўларканми? Беш қўлни бирданига огизга тиқаман дейишади-я!

— Бундай ишга тобим йўқ,— деди учинчи бригададаги йигит. Яна бир марта шундай бошқа ишга юборишса борми, ҳисоб-китоб қиламан-қўяман. Нима, бир кун буёққа, бир кун уёққа...

— Бошлиқ бирон ишни бажар деб юборса, бўйинтовлаш яхшими? — дея гапга аралашди Ақида кўзини машина ортида бурқсиб қолаётган тўзондан узмасдан.— Яхшимас.

— Аммо баъзан хўп деявериш ҳам бошга жабр бўлади, яхши қиз.

— Қандай қилиб? — сўради Ақида.

— Қандай бўларди? Ишнинг тайини бўлмагач, пулнинг ҳам унуми бўлмайди. Бригадир, турли иш, деб наряд ёзади. Турли иш қандай иш? Оғирми, енгилми? Бу билан ҳам ҳеч ким ҳисоблашмайди.

— Бу нотўғри,— деди Ақида,— ишга буюрган одам ҳисобиниям билади.

Ақида гапга бошқа аралашмадн. Чўлнинг ҳар жой-ҳар жойида бутоқлар юлиниб, шип-шийдон бўлиб қолган ковракларга, Қоракамар тоғи тепасидаги сийрак булутларга тикилди.

Мен у билан мириқиб сўзлашишга иштиёқ қилардим. Аммо нима ҳақида? Бу савол миямда қайта-қайта такрорланар ва ҳар гал унинг ўйчан юзига боқишим билан қарорим сароб сингари изсиз йўқоларди. Учинчи рейс-

ни тушириб қайтиш Ақида билан менинг зиммамга тушди.

— Жуда яхши бўлди-да,— дедим қалбимдаги севинч-ни шу сўзлар билан ифодалагандек.

— Нима яхши бўлди?

— Чеким сиз билан тушгани.

— Бу сиз учун зарар. Қийнаб қўяман. Менинг ўрнимга йигитлардан бўлгандайди чарчамасдингиз. Бунинг устига тезроқ қайтиларди. Шундай эмасми?

— Йўқ, менимча, бу гал жуда тез қайтамыз.

— Йўғ-а?

— Ҳа, ишонаверинг. Сиз бўлсангиз ишимиз тез би-тади.

— Оҳ-о!..

— Рост, ишонаверинг, Ақида.

Ақида босиқ жилмайиб қўйди. Бу бир онлик илиқ табассум кўнглимни яйратиб юборди. Шу дақиқаларда жуда-жуда бахтиёр ҳис этдим ўзимни. Ақида, қандай гўзал, сеҳрли унинг қарашлари! Мен унинг тез-тез жилмайишини истардим, қалин қошларининг учишини, чарос кўзларининг сузишини тез-тез кўргим келарди. Бироқ, Ақида ўша бир жилмайишини инъом этди-ю, қовоғини уюб олди. Иш орасида яна бир ҳазил гап қилмоқчи бўлгандим, елкаси оша кўзларини менга қадаб қўйди. Мен бу қарашни «иш вақтида ишлаш керак-да», деб тушундим.

Мен у билан юзма-юз туриб сўзлашишга бошқа журъат қилолмадим. Негадир юрагим дов бермади.

Ўша кечқурун ҳамма костюм кийиб олди. Аму томондан этни жунжитадиган совуқ ел эсиб турарди. Бироқ ҳамма танцага чиқди. Мен танцани билмаганимдан афсусландим. Ақида Баҳром билан танца тушмоқда эди. Тўғри, Ақида ким таклиф қилган бўлса, йўқ демади. Аммо, ҳаммадан кўра кўпроқ Баҳром ўралашиб қолди унинг теvaraгида. Қандайдир кайфиятми, кучми, билмадим. Ақида томонга ундади. Ўзимга-ўзим таъна қи-

лардим: «Нега шунча киши тушади-ю, мен тушолмас эканман». Атрофга эътибор бермасдан, тўғри Ақида-нинг ёнига бордим.

Ақида ҳеч нима демасдан қўлтигимдан олиб, танча майдонига кирди. Мен жуда эҳтиётлик билан оёғимни кўтариб-кўтариб олардим. Терлаб-пишган эдим.

— Тортинманг,— деди Ақида,— оёғингиз келишаркан. Урганиб оласиз. Менинг бошқаришимга эътибор беринг фақат.

Ўйини секки эди. Ақида гоҳ ўинга, гоҳ чапга тебраниб қўйганида бўйини ва боши ҳам шу томонга эгилар, бу эса унга жуда ярашиб тушар эди.

— Қаерда ўргангансиз? — деб сўрадим.

— Мактабда, тўгаракда,— жавоб берди у.

— Қаерда битиргансиз?

— Ангорда.

— Асли тоғликман денг?

— Ҳа, қаердан биласиз?

— Биладан-да... Оқувалигингиз... кейин.... бўйи-бас-типингиз айтиб турибди.

Ақида чиройли жилмайди, кейин кўзимга тикилиб:

— Лекин қойилман сизга,— деди.— Ўзингиз-чи? Сиз ҳам тоғданми?

— Билинг-чи?— мен энди анча дадиллашиб кетдим.

— Батзилар одамшунос бўлишадди. Туғилган жойинг-ни, ёшинг-ни адашмай айтиб берадилар.— Ақида нимадир эсига тушгандек ўйлаб олгач, менга қараб деди.— Мен-да эса бундай синчковлик йўқ. Ганимга тушуидингизми: ўзингиз айтиб бера қолинг демоқчиман.

— Термизликман. Бобомиз Танги деган қишлоқлик бўлган. Биларсиз, Бойсун тоғининг адоғида шундай қишлоқ бор. Лекин зап манзарали жой-да. Чўққига чиқиб қарасангиз, қишлоқ кафтингизда бўлади. Худди жаннат. Дарахтлар кўм-кўк. Уртадан зилол сув оқиб ўтади. Муздай қор суви, балиқлари шундай кўриниб туради. Мевани-ку, истаган хилидан ейсиз.

Музыка тугади. Радиола ёнига бориб соатига қараб олган киномеханик:

— Бугунча тамом, движокнинг ёғи тугай деб қолди, — деди.

Ҳамма палаткалар томон юра бошлади. Ақида дугоналари билан мендан олдинда боришарди. Бир пайт уларга Баҳром, Аливой яқинлашди. Мен ҳам етиб бордим. Баҳром билан Аливойнинг: «Ҳалп вақт эрта, ётиб ҳам зерикади одам, қани, қизлар, сайр қилмаймизми», деган таклифига уларнинг биронтаси ҳам жавоб бермади. Мен палаткага бурилдим. Қизлар ўз ётоқ жойларига кириб кетишди.

Аливой кафтини бир-бирига шарақ этказиб уриб, Баҳромга: «Ана буниси этдан ўтиб, суякка қадалди», деди ва мени чақирди:

— Буёққа кел!

— Нима гапинг бор? — дедим мен. — Дам олмоқчиман.

— Гап бор-да, огайин. Кел дегандан сўнг келавермайсанми?

Мен аста-секин уларга яқинлашдим. Баҳром сал кейинда, бошини эгиброқ қалин қошлари остидаги йирик кўзларини ола-кула қилиб зимдан менга қараб қўярди. Аливой эса ўзини бамайлихотир тутишга интилар, аммо ўнг оёғи учини ерга ниш қилиб, семиз сонини дик-дик ўйнатарди.

— Ҳа? — бир Аливойга, бир Баҳромга қараб қўйдим. — Нима гап?

— Қиттай-қиттай...

— Йўқ, ўзларинг қилаверинглар.

— Нега, настроенялари йўқми ёкин? Танца ўйнаб ҳоридилар-ку, бир қултум ютсалар, танга ором берадур, яхши тушлар кўргазадур. Ҳаҳ-ҳа, боладимми гапди! — Аливой қиқирлаб кулди. — Одам ошиқ бўлганда ароқ жинди бўлишдан сақлайди, билдинг?

— Нима демоқчисан бу минан?

— Унисини Баҳромдан сўра. Сани тентаклигингди бугун билаётганим йўқ. Сўзим зое кетишини истамайман. Ана Баҳром, ана сан, этингди ейсанми, ёки... хуллас, ишим йўқ.— Аливой тўрт-беш қадам нари бориб, ерга ёнбошлаб олди.

— Сен ҳали мен танлаганни эгалламоқчисан? Улфат хоинлик қилмайди, билиб қўй! — деди дабдурустдан Баҳром.

— Нима қибман! — ҳайрон бўлдим.— Тушунтирсангчи?

— Тушунтир эмиш-а! Балодай билиб турибсан-ку, яна тушунтир деганинг нимаси?

— Хўп, тушун бўлмаса, оғайни, ҳалиги сан танца ўйнаган қиз Баҳромдики бўлади, билдинг? Унга қўл узатганлар қўлидан ажралади, билдинг? — деди Аливой лип этиб ўрнидан туриб ёнимга келаркан қулоғим тагида шивирлаб.— Дўст бўлсанг, бу одатингди ташла.

Туни билан ухлолмадим. Юрагимни нимадир тинимсиз тирмаларди. Нима у? Мен икки ўт орасида қолгандек эдим. Аливой билан Баҳромнинг гапларини унутай десам, Ақиданинг иболи жилмайишлари пайдо бўларди кўз олдимда. Мижжа қоқмадим. У ёнбошдан-бу ёнбошга ағдариламан. Хаёлим узоқ-узоқларга олиб кетади: мана, кекса тоғ виқор тўкиб турибди. Биз Ақида билан тоғнинг шундайгина ёнбағридамиз. У ердан булоқ булқ-булқ қайнаб чиқаётир. Тип-тиниқ сув пастга интилади. Тошлар унга тўсиқ бўлади. Бироқ у тошлар ёнидаги тупроқни емиради ва олдинга интилади. Кўп ўтмай таги зил кетган тошлар ҳам сув оқимига қараб думалайди. Шовқин-сурон. Гўё тошлар зилол сувнинг олдини тўсмоқчи. Ана, улар сакраб-сакраб думалаётир. Сувга: «Тўхта, қаёққа, қаёққа, қайт!» деб ўкирадилар. Сув ва тош ўртасида жанг кетяпти. Дара шовуллайди, қулоқни кар қилгудек акс-садо: «Шов-в-в!!»

Хаёллар... Бир-бирига зид, бош-адоғи йўқ хаёллар. Улар ҳар қанча ширин бўлмасин, нимадир, қандайдир

тўсиқ уларни тахир қилиб қўяди. Нега шундай? Ҳой, Аливой! Баҳром! Сизлар нега менинг истагимни ҳисобга олмайсиз? Ахир, ваъдамиз — ҳар бир ишни бамаслаҳат қилиш эди-ку! Сиз менинг чинакам дўстларимсизми? Нима дейсиз?

Аливойнинг хуррак отишидан хаёлим бўлиниб кетди. «Оббо, сен-эй, яна халақит бердинг-а?!» Одеядли бошимга тортдим.

Олти-саккиз квартирали уй-жой биноларидан бир нечаси битиб қолди. Қурувчилар Салимжонов биринчи ғиштни қўйган бинога «Қалдирғоч» деб ном беришди. Биз ҳаммамиз ана шу «Қалдирғоч»га кўчиб ўтдик.

Қурувчилар учун «Қизил бурчак» очилди. Унда эскироқ бўлса ҳам газеталар бор. Почтальон йўқ, шуларни ҳам шаҳардан келганлар ёки шаҳарга тушганлар олиб қайтишган. Албатта, бу вақтинчалик бўлса керак. «Рекорд» телевизор «Қизил бурчак»ни беади. «Ана, буниси ҳаммасидан ҳам яхши бўлди», дейишди қурувчилар.

Шундан кейин, ишчиларнинг ҳам кайфияти анча яхши бўлиб қолди. Бунинг устига чўл ҳам одамларнинг кўнглига қарагандек юмшоқ келди. Китобларда ёзилганидек, чўл хуружлари кам бўлди. Айниқса кейинги икки-уч ой ичида ҳаво тинч. Бундан одамлар ҳам хурсанд.

Биргина менинг кўнглим гаш. Мен бинога кўчиб ўтганимизда ҳам, телевизор бурчакни беаганда ҳам севинмадим. Аливой ўша кечаги танцадан кейин дагал муомала қиладиган бўлиб қолди. Мендан яхши дўст чиқмас эмиш, мен гап ўғриси эмишман.

Шундай кунларнинг бирида ишдан қайтиб, энди тушлик қиламиз деяётган одамларнинг ташвиши ортиб қолди. Шу кундан кейин ҳеч ким чўл қаршиликсиз таслим бўлаётганлиги ҳақидаги гапни оғизга олмай қўйди.

Чўл қаҳрини ичиға ютиб юрган экан, шекилли, бир зумда осмон-фалакни қоп-қора парда ўраб олди. Бу

чўл тўфони эди. Бундай пайтда одам-одамни таниб бўлмайди, кўз очиб-юмиш имкони йўқ.

Бўлажак кинотеатр пойдевори учун қазилган котлованни қум-тупроқдан сақлаш чорасини кўриш учун шошиларди одамлар. Мен эса ўзимни четга олиб турардим. Гавдам сал эгилган, кўзимга каттакон кўзойнак тақиб олганман. Бошимни эса коржомам ичига тиқиб олдим. Бўлмади. Яқинда ташиб келтирилган ғиштларнинг ортига ўтиб тўфондан чўчиганча биқиниб ётавердим. Бу нимаси! Кўз очолмасанг, қадам босолмасанг. Одамлар дейман жон деганни унутиб юборишган, шекилли. Бундан кейин пухта бўлганим бўлсин. Жонингни ҳузурини кўр, Собир, бошқаси бўлаверади!.. Йўқ, хаёлларим тумтарақай тарқалиб кетди. Ақида дуррачасини қўлига ушлаганча, шамолга чап бериб, мен томон келарди. Юрагим «шувв» этиб кетди. Наҳотки, у мени кўрган бўлса! Ўзимни қаерга қўйишни билмай, ўрнимдан турдим. Шиферлар тахлаб қўйилган жойга бордим. Ақида ингичкароқ харининг бир учидан ушлаганча, қуюнга тескари қараб, мени кутиб турарди. Совуқдан этим жунжиккап сингари бўйнимни қисиб Ақиданинг ёнига бордим.

— Ҳа? — деди Ақида.

— Ёрдамлашмоқчиман.

— Ётаверинг, сизга нима? Сизсиз ҳам битади шу иш.

Қурувчилардан бири келиб, Ақидага ёрдамлашди. Ақида харини кўтариб ёнимдан ўтаркан, шамолда қисилган кўзлари остидан ўқрайиб қараб қўйди. Бу билан у «сатқайи йигит кет!» деяётгандек эди. Ўзимга тарсаки тушгандай бўлди. Ҳеч иккиланмасдан бино томи учун келтирилган харилар уюми ёнига бордим. Улардан энг йўғонини танладим.

— Кичикрогини ол, ўзингга зўр келмасин яна,— деди Нурали. Нурали энди яхши ишчи бўлиб қолган эди. Бригададагилар нима ишни қилишса, у ҳам шу-

лардан кам бўлмас эди. Мен Нуралига ҳасад билан қараб қўйдим. Унинг ҳам Ақидага кўнгли бор, чоғи. Вай, сени, имо-ишоранг билан... Тағин, харининг бир учидан Ақида, бир учидан унинг кўтарганини қаранг! Ақида ҳам ғалати, бошқа киши топилмадими, бирга-бирга кўтаришга! Бор кучимни тўплаб, чираганча харини ўнг елкамга олдим. Аммо хари довулнинг зарбидан доира олганча ерга тарақа-туруқ тушиб кетди. Қизарган юзимга қон тесди. Баттар шарманда бўлдим. Ҳали-ку, бир нав эди. Ақиданинг ёнида шарманда бўлдим энди. У ҳали меининг айрим оғзи ботирлар айтганидек, шу қадар лапашанг эканлигини кўрган йўқ эди. Харини зўр билан елкамга қўймоқчи бўлиб чирандим. Бироқ, билагимдан қувват қочиб, ерга ташлаб юборишимга сал қолди. Шунда Нурали югуриб келганича ёрдамлашиб, харини елкамга қўйиб юборди. Алпанг-талпанг қадам босиб, котлован томон юра бошладим. Ақида мени кузатиб турарди — унинг қошлари қовоғининг устига миниб олган, бир-бирига яқинлашиб қолган эди. Мен шағал тўкилган жойга етмай, харининг оғирини тобора кўпроқ сеза бошладим. Хари қадам сайин зилдек оғирлашиб, елкамдан босарди. Довул гувуллаб, қулоқни қоматга келтирарди. Қувватим етмай қолаётир. Қадамим олдинга эмас, ортга кетаётгандай, тиззаларим букилиб шалвираб боряпман. Орият ва уят! Агар менда шу хислатлар борлигини билганимда ўша пайтда ўзимни ҳадсиз бахтиёр ҳисоблардим. Бироқ менда бу хислатлар аввал бўлса ҳам, шу пайтда ўчай-ўчай деб хиралашиб қолган эди. Аммо ўртада Ақида бор, ўша танца кундаги ширингина суҳбат бор. Булар қалбимда уят ҳиссини ёлқинлатириб турарди. Шунинг учун ҳам бор кучимни харига бериб, нима бўлса ҳам қўлдан чиқариб юбормаслик эвини кўрдим.

Маана, яна беш-ўн қадам олдинга юрсам котлованга етаман. Яна бир зўр беришим керак. Йўқ, харининг залвари босиб кетди. Ён томонга гандираклаб кетдим.

Мендан икки-уч қарич нарида сув тўлғазиб қўйиш учун қазилган ҳовуз гўрдек совуқ кўриниб турарди. Ўтакам ёрилгудек бўлди. На қўлим ва на оёғимда мадор қолди. Кўзларимни чирт юмдим. Қулоғимга ваҳима аралаш товуш эшитилди:

— Вой-й-й!

Бу Ақиданинг овози эди.

Орадан қанча вақт ўтибди, билмайман. Кўзимни зўрга очиб, қаерда ётибман деган маънода ён-веримга кўз югуртирдим. Ўнг қўлим бинт билан чандиб ташланганди. Қимирлатай десам, зирқирайди. Бошимни сийпаладим. Айланаси бинт. Оёқларимни қимирлата олмайман. Ақиданинг ўша ваҳм аралаш «вой-й-й!» деган шовқини қулоғим тагида жаранглаб турибди. Кўз олдимда эса чуқур ҳовуз қолган. Бошқасини тамом эслолмайман. Мени бу ерга ким олиб келган, қандай олиб келган, дарвоқе, касалхона районникими ёки шаҳарники — биронтасига ҳам жавоб топа олмасдим. Хонада тўрт бемор. Бири япалоқ башара, ясси бурун, кўзлари кичик, камқош киши уст-устига алаҳлайди, алланималар деб валдирайди. Унинг ноаниқ вайсашларига менинг инграб, «вой-вой»лаганим қўшилиб кетади. Оқ халат кийган аёл кириб келди. Мендан ҳол-аҳвол сўради. Бинт билан боғланган жойларимни кўрсаткич бармоғи билан секин-секин босиб кўрди ва кейин юзимга беташвиш тикилганча:

— Ҳечвақоси йўқ, тузалиб кетасиз. Омон қолибсиз, бас, укам,— деди.— Йигит кишига булар нима гап. Кеча бировга жавоб бердик. Лекин қойил қилди. Не азоблар кўрмади, бечора. Бардоши маҳкам экан. Операцияни яхши кутиб олди. Сизники оғир эмас. Оёғингиз латеган, холос.

Врач алаҳлаётган кишига укол қилди, иссиғи пасайиб қолганини айтди ва менинг бош томонимдан ўта туриб, сал эгилди-да:

— Ухланг, укам. Ўзингизни мажбур қилиб бўлса ҳам ухлаб олинг. Уйқу қувват беради, ором оласиз.

Меҳрибон она сўзларини эшитганда киши ўз-ўзидан юмшайди. Хурсандликдан бир лаҳза ғам-ғуссаларни ҳам унутасан ва беғубор жилмайиб қўясан. Кўнглим ёришди. Врачга ич-ичимдан миннатдорчилик билдирдим. Одамни қанчалик қадрлайдиган кишиларимиз бор-а! Уларни бизлар ҳам қадрлашимиз керак. Улар дармон берадиган одамлар... Шундай хаёллар билан кўзим уйқуга кетибди.

Эрталаб Турсунбой ака келиб қолди. Турсунбой акани кулча юз, жуссаси кичикроқ оқ халат кийган киши бошлаб кирди. Бу киши бир қарашда Турсунбой акага ўхшаб кетарди. Гавдаси ушоқроқ, холос. Ёки кўзим хиралашиб қолибдими? Қадалиб тикилдим. Врач истараси иссиқ, қотмадан келган, гапирганда чап қоши билинар-билинемас учиб тушарди.

— Ҳалиги шофёрнинг исми ким эди? — деб сўради врач қўлимга бармоқ қўйиб томир уришини текширар экан пас овозда.

— Баҳром,— деди Турсунбой ака.

Врач чап қошини керганча:

— Қанақалигини билмайману менга унча ёқинқирамади. Нега десангиз, нуқул тигиз қилгани-қилган. Скорий йўқ, сабр қилинг, десам ҳам хархаша қилгани-қилган. Кетишим керак, эрта тонгдан командировкага жўнайман, дейди,— деб қўйди.

Турсунбой аканинг бу гаплардан хабари йўқ, шекилли, эътибор бермади, врачнинг сўзини на маъқуллади ва на унга эътироз билдирди. Ёнимга стул қўйиб, юзимга ачиниш аралаш тикилди.

— Собирбой, эҳтиётлик қилмабсан-да, ука. Ҳай, майли, тузалиб, отдай бўлиб кетасан. Йигитликда бўлади-да, хўш, оғрияптими, ўзи? — Мен бош қимирлатиб, «йўқ» деган ишорани қилдим.— Оғримасин, оғримасин.— У пол устидаги тўрхалтани кавлаб, қогозга

ўроғлиқ бир нарсани қўлига олди ва ўрамни оча туриб деди: — Ма, уйдан юборишган экан, сенга илиндим, ука,— Турсунбой ака илга маржондек қилиб ўтказилган ўрик мағзини узатди.— Бунинг бизда аштоқ дейишади. Мана бунинг ҳам олиб қўй, анор суви, юракни босади. Энди, бўлмаса, ука, тезроқ соғайгин.

Турсунбой ака чиқиб кетди. Бирон соатдан кейин ҳалиги кулча юз врач бизни хонага қайтиб кирди. Хонадаги беморларнинг қон босими-ю, иссиқлик даражасини текширди, қўнғир тусли ёндафтарчасига нималарнидир ёзиб олди. Менинг касалим аниқ эди. Ҳароратим пасайиб қопти. Бир оз суҳбатлашиб ўтирди.

— Турсунбой акани ҳам,— деди у,— ўн йилдан бери биламан. Нотаниш бир беморга қон берганди. Олижаноб одам. Ҳаммага яхшилик қилай дейди. Қаранг, кеча туни бўйи шу ерда, сизнинг бошингизда турди. Бугун эрталабдан яна етиб кепти. Баъзи одамлар ўзига яқин тутган кишиларига, ҳатто баъзи оғайнилар бири-бирига шунчалик меҳрибонлик қилолмайди. Мен жуда хурсанд бўлдим, Турсунбой акадан. Шундай, оға, одамларнинг ҳам фарқи бўларкан биридан иккинчисини. Майли, бир зум ором олинг, кейин овқат тайёрдир, нонушта қилиб оласизлар.

Мен гўё касалхонада ётганим йўқ, одамлар мени сипаш учун бу ерга олиб келиб қўйгандек эдилар. Ўзимча мулоҳаза қилардим, ким нима деганини ақл тарозисига солиб ўлчаб кўрардим. Ростини, бемор кишининг кўнгли позик бўларкан. Бунинг устига кимнидир кутасан киши. Узоқ-узоқ танишларингни эслайсан. Назаримда, ҳозир кимдир келади-ю, мени сўрайди. Кўнглимни кўтаради, тезроқ тузалишимни тилайди. Мен ҳам яйрайман, у хайрлашиб кетгандан сўнг ҳам алламаҳалгача севиниб ётаман. Бутун оғриқлардан холи бўламан.

Эшик очилгандек бўлди. Кимдир оёқ учида мен ётган каравотга яқинлашди. Секкин чўзиб нафас олди ва: «Собиржон ака!» деган овоз эшитилди. Бу жуда майин,

жуда таниш овоз эди. Бошимни ёстиқдап бенхтиёр кўтардим:

— Ақида, ке-келинг!

— Салом,— деди Ақида аста.

— Са-алом...

У лип этиб, бошимга келганча икки қўлини кифтимга қўйди. Унинг ташвишли боқаётган қоп-қора кўзларига бир зум термилиб қолдим, кейин ич-ичимдан қувониб жилмайдим.

— Қулманг. Ётинг, ётинг, Собиржон ака, сизга қўзғалиш мумкин эмас,— деди у.

— Майли, бирпас...

— Йўқ, қани, ёстиққа бош қўйинг-чи!

— Хўп, хўп, мана!

Ақида битталаб терилиб, енгилгина ўсма тортилгандек қошларини учириб қараб қўйди ва хиёл қия бурилиб билинар-билинемас жилмайдди. Кўрсаткич бармоғини лабига кўндаланг қўйиб, юзига сал жиддий тус берди.

— Энди, яхшимисиз?

— Яхши, раҳмат, Ақида. Сизни табриклайман. Эшитдим, Тошкентга бораркансиз. Нима, слёт бўлади-ми? Бошқармамиз ёшлари номидан сўзлармишсиз.

— Вой-й, ҳаммасини билиб олибсиз-ку. Бошқа янгилик ҳам бор. Бу, кеча бўлди. Посёлкага одамлар кўчиб кела бошлашди. Совхоз ташкил топди. Унга Абдулла Набиев номи берилди. Собир ака, биз жасур комсомол номидаги совхоз посёлкасини қурапмиз, зўр-а! Чой ичасизми, Собиржон ака? Мен толиқтириб қўймадимми, сизни?

Тўладан келган, бошига сурп папоқ кийиб олган аёл эшикни қия очиб, Ақидага қаради-да, билагидаги соатни кўрсатди. Ақида ҳозир, дегандек бош қимирлатиб қўйди. Ақида сумкасини очиб ундан бир жуфт ложувард гул чиқарди ва тумбочка устидаги «Ёшликда берган кўнгил» китоби ёнига қўйиб қўйди. Мен лол қол-

гандим, кўзларим таги билан унинг ҳаракатларини кузатардим. Ақида бир-бир босиб эшик олдига борди ва мен томонга бурилиб эркаланди, қўлини ўйнатиб хайрлашди:

— Хайр, тезроқ тузалинг.

Ақида хона эшигини секин ёпди. Мен кўзларимни юмиб олдим. Ич-ичимдан севиниб қўйдим. «Қандай яхши!» Аста ёнимга ағдарилдим. Дераза оша кўкка боқдим. У тиниқлигидан туб-тубигача кўриниб турарди. Жудаям очиқ кун бўпти-да, деб қўйдим ўзимча. Ақида ҳозир автобус бекатига етиб боргандир. Ёки универмаг очилишини кутиб турганмикин? Қай биримиз районга тушсак, магазинма-магазин кезиб чиқиш одатимиз борку. Шу онда Ақиданинг универмаг қошидаги автобус бекатида турган қиёфаси кўз олдимда гавдаланди. Чўзинчоқ ияги, юпқа лаби, ингичка қоши, маъноли боқувчи ўткир кўзлари, зимдан бир лаҳзага қараб қўйиши — ҳамма-ҳаммаси кўз олдимдан лип-лип ўтди. Қадди хиёл эгик, бўйнини қийшайтирганча жилмайиб турибди. Бейхтиёр кулиб қўйдим. Бошим зирқираб кетди.

— Куляпсизми? — деди ён каравотда ётган бемор.

— Кулмай, йиғлайми? — дедим мен бир қўлим билан бошимни сийпаб.— Келди-ю, зум ўтмай кетди, шунисига қойил эмасман.

— Танишингизми?

— Жудаям таниш!

— Тушундим, ука. Арзийди. Гўзал экан. Эҳтиёт бўлинг, биров илиб кетмасин, тагин.

— Нималар деяпсиз?

— Ҳа, энди шунчаки айтдим-қўйдим-да. Сулувларга хушторлар кўпроқ бўлади-да.

Мен индамадим. Аммо шу гапдан кейин Ақидани бегона кўзлардан рашк қила бошладим.

Шу алпозда ҳафталар ўтди.

Бугун биринчи марта касалхона ҳовлисига чиқдим. Врач қўлтиқтаёқни бера туриб огоҳлантирди: «Кўп юр-

манг!» Қадамларим оғир, бир-бир босаман. Негадир, врачлар жароҳатимни ўзимдан яширишган экан. Ўнг тирсагим бўғиндан кўчган эди. Бошмн ёрилган. Ҳаммасидан ҳам оёқ азоб берар, гипс уни исканжадек қисар эди. Ўтган ҳафталар ичида табиат ҳам ўзгариб кетгандек. Қасалхона йўлагига қатор тизилган чинорларнинг япроқлари сарғая бошлаган. Ҳовуз бўйидаги тол барглари элас-элас эсаётган шабадада чирт-чирт ўзилиб, сув сиртига пилдираб учиб тушади. Скамейкага ўтирдим. Иягимни қўлтиқтаёғининг чарм қопланган тутқичига қўйиб, кўзимни касалхона ҳовлисининг тўрига қададим.

— Э, хаёлни бўлмаймизми, ўзи?

— Ижодга ҳалақит берадиган бўлдик-да, а?

Холиёр, Нурали бир-бирларини туртишиб-кулишиб менга яқинлашишди.

— Саломлар бўлсин энди, бу дейман дам олишнинг яхши формасини топдинг шекилли, Собир? — деди Холиёр қўл узатаркан.

— Бўлмасам-чи, роҳатижон!

Кулишдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Кейин гап Аливой билан Баҳром устида кетди. Улар менга етти ухлаб тушимга кирмаган хабарни айтишди. Баҳром жиноят устида қўлга тушибди. Унга Аливой ҳам шерик, деган гап бор экан-у, аммо Баҳром: «Йўқ, якка ўзим эдим»дан нарига ўтмаётганмиш. Баҳром бир оғиз: «Ҳа, у мен билан бирга эди» деса, тамом, Аливойни ҳам қамашармиш. Мен ҳеч нимага тушунмай, анграйиб қолдим. Қандай қилиб? Нега? Шу саволлар миямда қайта-қайта такрорланарди.

Холиёр бўлган воқеани бир бошдан айтиб берди:

— Тинчлан, Собир, қанча тинч, бамайлихотир бўлсанг, шунча яхши. Тезроқ тузалишинг учун яхши. Сен райондасан, билмайсан. Ўтган куни чўлда қанақанги бўрон бўлди, биласанми? Ишни тўхтатиб қўйдик. Улар ўша кечаси бўрон кучайган пайтдан фойдаланмоқчи бў-

лишибди. Ҳамма уй-уйига кириб кетган деб ўйлашганда, тўғри станцияга боришган. Янги вагондан туширилган тахтадан машинага босишаверган.—Холиёр шундай дегач, хаёлимга Аливой билан Баҳромнинг пуллари қолмай, икки қўлини бурнига тиқиб, ойлик пойлаб ётишгани келди.—Машина тўлган. Кичик канал бўйлаб ўн метр юришгач, машина балони ярмигача ботиб қолибди. Бор куч билан газ беришавергач, қоровул сезиб қолибди-да, милтиқ ўқталиб келибди. Аливой секин жуфтакни ростлаб қолган. Баҳром эса машинани ташлаб қаёққа ҳам борарди. Хуллас, терговда икки хил кўрсатма берилляпти. Баҳром ҳали айтганимдай, якка ўзим қилдим бу ишни, деса, қоровул: «Йўқ, улар икки киши эди, мен келгач, у қочиб қолди», дермиш. Тергов анчага чўзилади, деган гап бор.

Оҳори кетган туфлиси билан хазонни ўйнаб ўтирган Нурали бошини секин кўтарганча деди:

— Ўзи бир қилиғи ортиқ одамлар-да. Қачон қараманг, бир қалтис ишни бошлаб юришади. Аллақачон баҳридан кечиб қўйса бўларди ўшаларнинг. Ҳов, у кунни, эсингдами, Холиёр, ишдан кейин бир соат қолиб ишлайлик деганларингда, нима деди-я! Бир минут ҳам кейин қолмайман эмиш! Хўш, бунақада одамгарчилик ҳақида гап бўлиши мумкинми? Бунақада биз бошлаган ишимизни муддатидан олдин тамомлаймиз деб айта оламизми? Йўқ, албатта,— у бир оз ўйланиб қолди,— Собир, сени чарчатиб қўйдик. Э, қўйинглار, бу ҳақда бошқармада гаплашсак ҳам етади. Энди навбат сенга, Собир. Зерикмаяпсанми, ишни ҳам соғиниб қолгандирсан?

— Соғиндим, жуда соғиндим. Бош врачдан рухсат олсаларинг, бугуноқ боришга тайёрман.

— Шошма-шошма, олдин оёқларингни гурс-гурс босадиган бўл, кейинда иш деганлари.

Кўнгли очик кишилар билан суҳбатлашсанг яйрайсан, киши. Улар юрагидаги бор гапни айтиб, беғараз

маслаҳатлари билан ўртоқлашишади. Сенинг яхши одам бўлишингни, донг таратишингни жон-жон деб ишташади. Мен Холиёрнинг нимасидан хафа бўламан? Нурали-чи? Нима ёмонлик қилди менга улар? Шунча йўлдан мени кўришга келишибди яна. Мен буларга нима деб миннатдорчилик билдирай? Аливой, Баҳром яқин эди-ку, менга булардан кўра. Нега улар бирон марта ҳам суриштиришмади? Мени ўзларига дўст дейишгапди-ку, улар.

Хаёлимни Нурали бўлди.

— Айтгандай,— у ниманидир эслагандек Холиёрга қаради, кейин қўли билан уни кўрсатди.— Табриклашинг мумкин. Чўлдаги қалдирғоч совхознинг қалдирғоч комсорги. Ҳа, кўпайиб кетибмиз, Собирвой, ўзимиз билмай юрган эканмиз-да. Райондан келишиб, комсомолларни тўплаб олишди-да: «Бир эмас, икки эмас, ўн етти комсомол аъзоси бор экан-у, взиосни район комсомол комитетидан келиб йиғиб юришган экан-а?», дейишди. «Биз, комсорг сайлайлик бўлмаса», дедик комсомол комитетининг вакилига. «Майли, сайлайлик, аммо ишбилармон, удабурон, ўрнак бўладиганидан сайлайлик», деди вакил. Биз бараварига худди келишиб қўйгандек: «Холиёр Бобоев бўлсин, ҳа, Холиёр жуда муносиб», десак бўладими. Бу таклиф вакилга ҳам маъқул тушди. Уларнинг ҳам мўлжали Холиёрда экан. «Ўзимиз ҳам шундай ўйлагандик», деди. Хуллас, табриклаб қўявер, сен чиққан кунини бир эрийди-да,— ўртада еигилгина кулги кўтарилди. Холиёр соатига қаради.

— Ўҳ-ў, роса эзмалашибмизми. Бизга рухсат энди, Собир, йўл узоқ.

Мен улардан сира ажралгим келмасди. Қани, энди соппа-соғ бўлсаму улар билан чўлга кетсам. Эҳ, қандай яхши бўларди!

Сентябрь охираб қолди. Врач ваъда берган кун яқинлашяпти. Ҳар тонг отишини кутаман. Бир кун, икки кун... Душанба, декабрнинг биринчи душанбаси. Кунлар

шунақа, қанотсиз учади. Аммо мен учун уларнинг ҳар бири йилга тенг эди. Юрагим сиқиларди, аммо ноилож. Ниҳоят рухсат беришди...

Пешинда қурилиш бошқармасига етиб бордим. Вой-бўй, шунча ўзгариш! Бинога шифер қоқилса, мактаб тап-тайёр. Ёзги кинотеатр қурилибди. Қудуқ кавлашибди. Ишчилар сони ҳам икки бараварга кўпайибди. Мен ўзимни бутунлай янги одамлар ўртасида ва чўлнинг янги бир бурчагига келиб қолгандек ҳис этдим.

Биринчи бўлиб Холиёр аҳвол суриштирди. Сўнг бошқа ишчилар ҳам қўл олиб кўришишди, тузалиб келганимдан хурсанд бўлишди. Турсунбой ака қўлтиғимга сув пуркаб қўйди:

— Э, балли, хўп тузалиб олдингми, ахир, яшавор-е, аммо-лекин росаям соғинтириб юбординг, ука. Ўрнинг бўлса шундайгина билиниб қолдики, қўяверасан... Хўп, бориб қишлоқдагиларни кўриб қайтасанми ёки ишни соғиниб қолдингми?

Мен агар имкони бўлса қишлоққа бориб қайтишим кераклигини айтдим.

— Бўлмаса,— деди Турсунбой, ака,— ўша ёққа машина кетяпти. Сен шу бугуноқ жўна. Қишлоқда бир ўйнаб қайт.

Тахталар билан тўсиб қўйилган битум узели томондан Аливой кўринди. У мени кўргач, ўн қўлини бошидан юқори кўтариб: «Салют, салют!» деганча келди-да, тишларини иржайтириб кўришди.

— О, кучга тўлибсан, худди курортдан қайтгандайсан. Юзларинг силлиқ, тўлишибсан, оғайни.

— Лўттибозликни қўй, Аливой,— дедим тажанг бўлиб.

— Нега энди лўттибозлик? Мен улфат келди деб, хурсанд бўлганимдан теримга сиғмай турибман-ку, сен бўлса...

— Э, бўлди!

— Оҳ-о!...— Аливой кўзларини лўқ қилиб, юзимга

бир зум тикилиб турди, кейин икки қўлини белига қўйиб, оёқ керди.— Хўп, хўп!

Мен ишчилар ётоқхонаси томон бурилиб кетдим.

Машина кун пешин бўлганда Термизга жўнади. Қоронғи тушганда уйга етиб келдим. Яхшиям келганим. Қишлоқда бир тўда гап-сўз: «Собир ишни эплотмай, ўзини ҳовузга отганмиш. Ишчилар ҳам касалхонадан келиши билан хайр-хўш қиламиз деб юришганмиш».

Шу гапни эшитдиму юрагим орқамга тортиб кетди. Ростдир, эҳтимол. Балки Турсунбой аканинг ширин-ширин гаплари... А, шунинг учун эмасмикин? Ўтиришга жой тополмай қолдим. Бир кун ўтар-ўтмас изимга қайтдим. Турсунбой акага учрашдим. Қишлоқда изғиб юрган гапнинг тўғри-нотўғрилигини сўрадим. Турсунбой ака чайир қўлини елкамга ташлаб кулди:

— Э, укам, шу гўдаклигинг қачон қолади, а? Э, қўй-е! Ҳай, майли, кепсанми, бўпти, буниси ҳам яхши. Ҳозир ётоқхонага бора тур, эрталаб машина оласан. Механик билан гаплашиб қўйганман.

Чўлга келиб, икки марта хурсанд бўлдим. Бири — келган куним, атиги бир неча соат. Иккинчиси — мана, ҳозир.

Машина рулига ўтирганимга ўн беш кун бўлди. Ишим — беш! Мактабда шофёрликка ўқиганим хўп иш берди-да! Бир кун тош-шағал ташисам, иккинчи кун қум, қурилиш материаллари, қоришма ташийман. Хуллас, машина ўзимизнинг бригадага биркитиб қўйилган. Турсунбой ака нима деса шуни қиламан. Ишдан ташқари вақтда икки-уч киши бўлиб Занг каналидан чучук сув олиб қайтамиз. Аввал машина йўқ дер эдик, лабни ёрса ҳам ер тубидан чиққан шўр сувдан ноилж ичаверардик. Энди шундай қиляпмиз, ўзимиз учун уч фляга бор. Бир тўлдирсак икки кунга етади. Ювиш-чайишлар шўр сувда ҳам бўлаверади. Яқин кунларда чойхона, кирхона очамиз, дейишяпти. Балки бу ташвишлардан ҳам қутулиб қолармиз.

Бир куни Турсунбой ака чақириб қолди. Одатдагидай жилмайиб қўйди-да, деди:

— Шу касбинг бор экан, аввалроқ айтсанг бўлмасмиди? Мана, ишларинг анча дуруст. Ишчилар ҳам яхши гаплар айтишяпти, ёмон-ёмон деймиз, дуруст эканку, дейишяпти.— Биз аста-аста ётоқхона томон юра бошладик.— Яхши, сен бугуни машинангни кўздан кечириб қўй. Эрталаб икки кунлик командировкага жўнайсан. Қоришма узелининг мотори ишдан чиққан. Душанбе шаҳридан олиб қайтасан. Бошқа машина йўқ. Самовсал бўлса ҳам бир амаллайсан.

Жон деб кўндим. Мен ҳаётимда биринчи марта командировка қоғозини олаётган эдим. Мени ҳаммасидан ҳам кўра ана шуниси қизиқтирарди. Ҳа, менга ишониб, командировка қоғози беришяпти. Ўша кеча мириқиб ухладим. Эрталаб ҳамма нарсани тахт қилиб, Душанбега жўнадим.

Боришда қандай хурсанд бўлсам, қайтишда ҳам шундай хурсанд эдим. Ҳавонинг совуқлигига ҳам эътибор бермай қўйгандим. Олд томондан изғирин турган, машина кабинасига ғувуллаб уриларди. Кўп ўтмай қор ёға бошлади. У борган сари кучаярди. Жарқўрғон билан Қорақир орасидаги йўлни босиб ўтмасданоқ ҳаммаёқ бир қарич қорга бурканди. Новшаҳар қишлоғига етгач, ўнгга бурилдим. Буёғи яп-яйдоқ чўл. Одам зоти йўқ бу томонларда, айниқса бундай қор-оломон кунлари-ку, қимир этган жониворни кўриб бўлмайди. Шамол увиллайди, қор учқунлари зарб билан кабина ойнасига урилади-ю, яп-ясси бўлиб қолади, сўнг эриб ойна юзидан сув бўлиб оқади. Чўл осмони жаҳл отига минганда ё қўрқасан киши, ё ботир бўлиб, ғайратинг тошиб кетади. Негаки, кўз етган ергача кўриниб туради. Мана ҳозир кабинада ўтириб, ажойиб манзарани кузатяпман. Қор капалакдек учади. Оқ-кулранг тусли осмон юзи қор пагаларидан жимирлайди. Пағалар тез ва шиддаткор. Аммо улар ҳам ўз йўлида юраётгандек,

худди тўқувчи дастгоҳидаги ип каби чўзилиб тушади. Мен бундай кузатишлардан толмайман. Аммо қўлимда машина рули — эҳтиёт бўлишим керак. Янги асфальт йўлни қор босиб, анча сирпанчиқ бўлиб қолган эди.

Атроф секин-аста қора пардага ўрана бошлади. Бу кеч тушганидан дарак берарди. Кўп ўтмай бутунлай қоронғи бўлиб қолди. Машина чироғини ёқиб қўйдим. Қорнинг ёғиши ана энди завқ берадиган бўлди. Шамол асфальт устидаги қор зарраларини тупроқ чанги сингарн суриб кетади, машина чпроғнинг ёруғи тушган ерларгача оппоқ... Қандай яхши, пшчилар олдида қайт-япман. Улар ҳозир, эҳтимол, мен ҳақимда гапиришиб ўтиришгандир. Эҳтимол, ишнинг тўхтаб қолганлигидан афсусланишаётгандир. Ақида-чи, у нима қилаётганикин? Уни тобора ўзимга яқин оляпман, кошкпйди... Душанбега жўнаш олдидан айтган гаплари!..

Ойдин эди ўша кеча. Ақида пахталигини елкасига ташлаб, янги битказилган кинотеатр биноси атрофида айланиб юрган экан.

— Келинг, Собиржон ака,— деди у.— Ўз қўлинг билан қурганинг кўзингга иссиқ кўринаркан. Шу бинога қарайман, қарайман, ҳеч тўймайман. Бирам хушбичим бўлибдики! Ярашиб, савлат тўкиб туришини қаранг,— деди.

Мен унинг гапини маъқулладим. Айниқса мен бир умр унутмайман бу жойни. Мени жазолаган бу жой, тўғри йўлдан юр, бўлмаса, ана шунақа жонинг ҳиқичоғингга келади деган бу жой. Мен ўша кунги тўфондан ҳам, юз берган ҳодисадан ҳам хурсанд бўлиб юрибман ҳозир. Турсунбой ака ҳам менинг йўғимда Холиёр, Ақидаларга гапирган эмиш: «Биз уни коллективдан ажратиб қўйибмиз. Коллективдан ажралди деган сўз — у одамни юз тубан кетди деяверинг. Шу кундан бошлаб бирон тадбир Собирсиз ўтиши керак эмас», дебди. Буларни Ақида айтиб берди менга.

— Собиржон ака,— деганди Ақида,— Душанбега бориб келинг, бир гап айтаман сизга...

Аммо менинг бошимни қотираётган ана шу «бир гап».

Нима айтаркин менга?

— «Бир гап айтаман, сизга». Бу мактабда ўқиб юрган пайтимиздаги бир воқеани хотирлатди. Тўққизда ўқирдим ўшанда. Зартепа қишлоғидан икки киши — мен ва Тошбиби қарийб тўрт-беш қақирим йўл босиб мактабга қатнардик. Ҳар куни шундай эди. Тошбиби билан жуда иноқ бўлиб кетдик. Кечаси қандай туш кўрган бўлсак, ҳатто қандай овқат едик, кўпми-озми — ҳеч нарсани қолдирмай, яширмай айтиб берардик. Бу бизга йўлнинг узоқлигини ҳам билдирмас эди.

Бир кун негадир Тошбиби кўринмай қолди. Уйига кирдим. Кўча чангитиб юрган укаси: «Даладан келгани йўқ», деди-ю, яна чопқиллаб кетди. Ўша куни мактаб худди ўн баравар узоқлашиб кетгандек туюлди менга. Тунда ҳам уйқумда ором бўлмади.

Одатдагидек тонгдан этакларни олиб, далага жўнадим. Кимдир орқамдан тош отди. Бурилиб қарадим — Тошбиби!

— Ҳа! — дедим.

— Ўзим, шундай... — у назаримда хафаомуз сўзларди.

— Нега ўқишга бормадинг?

— Кейин, Собир, кейин... Бир гапим бор сизга... Кейин айтаман, хўпми?

— Майли.

Унинг ёнидан эгат олдим. У қисқа-қисқа нафас олар, чаноқлардаги тўла момиқларни узун-узун бармоқлари билан лип-лип олиб, чаққонлик билан этакка ташларди. Мен унда қандайдир ўзгариш сездим. Аммо қандай ўзгариш? Бу саволга жавоб беришга ожиз эдим. Фақат у менга кам қарайдиган бўлиб қолган, овози босиқ, сўзлари эса қисқа-қисқа эди. Мен кечагина кўрган ту-

шини ҳам шақллаб айтиб берадиган Тошбибининг бугун худди бегона киши билан сўзлашаётгандек муомала қилишидан ич-ичимдан кулиб қўярдим. У ваъда қилган гапини икки-уч кундан кейин ҳам айтмади. Мактабга бўлса мендан ё олдин, ёки бирон соат дарсни қолдириб, кечроқ борарди. Дарслар тугагач, қўшни қишлоқ қизларига қўшилиб, ариқ ёқасидаги йўлдан қайтар эди.

— Тошбиби, нега мендан ўзингни олиб қочасан? — дедим бир танаффус пайтида пайт пойлаб.

— Қачон олиб қочдим?

— Ахир, йўлни ҳам, сирдошни ҳам ўзгартирдинг-ку!

— Йўқ, истасангиз, мана бугун бирга кетамиз.

— Яхши, кўрамиз.

Ўша кун Тошбиби ростдан ҳам мени мактаб ҳовлисида кутиб турарди. Йўл-йўлакай унга бир вақтлар айтган гапини эслатдим.

— Ҳа, уми? Шунчаки... Ўшанда нормани бажаролмасам ёрдам берарсизми демоқчийдим. Ўтиб кетди энди, Собиржон ака.

Тошбиби ёлгон сўзлаган эди. У юрагини тўй кечаси очди. Унп жарқўрғонлик тракторчи йигитга унаштирган эдилар. Тошбибини қўшни районга жўнатув кечаси хаёлимдан ҳеч кўтарилмайди. Баҳор эди. Айни жийда гуллаган пайт. Тошбибилар ҳовлисидаги бир туп жийда ҳиди ҳамон димоғимда қолган. Мен у дугонасидан бериб юборган бир парча қоғоздаги юрак сўзларини худди шу жийда тагида ўқиб олгандим. Сутдек ой ёруғида кўз югуртирилган бу сўзлар ҳам сира-сира хаёлимдан кўтарилмайди: «Собиржон ака, салом. Хайр. Дўстликка, ёшликка хайр... Ҳа, айтмоқчи, ўшанда сизни алдагандим. Мени кечиринг. Демоқчи бўлганим бошқа гап эди. Мен сизни... йўқ, айтолмайман... Балки тушунгандирсиз»... Энди бу ширин хаёл бўлиб қолди. Уни фақат эслаш, мумкин, аммо унга эришиш энди ҳеч қачоп насиб қилмайди.

Мени ташвишлантираётган нарса бошқа. Ақида айтадиган гап қанақа гап? Ёки Тошбиби сингари бирон баҳонани тўқийди-ю, айтмоқчи бўлганим шу эди, деб тураверадими? Йўқ, мен Ақиданинг оғзидан Тошбиби айтолмаган гапларни эшитгим келади. Жуда-жуда!

— Севаман! — гўё унинг овози кабинада янграб кетгандек бўлади. Қалбим севинчдан жой тополмай типирчилаб қолди.

Аммо шу пайт ўйлаб ақлга сиғмайдиган ҳодиса юз берди. Худди бомба портлагандек машина жойида бир кўтарилиб, тарақлаганча асфальт устига тушди. Нимадир қарс-курс синиб, ерга оғир бир нарса ағанаб тушгандек бўлди. Машина енгил ошгандай, олдинги ғилдираклари лапанглаб йўл четидаги ариқчадан ўтди-да, қийшайганча тўхтаб қолди. Дастлаб кабина деразасининг дарз кетган кесигига кўзим тушиб, юрагим орқасига тортиб кетди. Ўзимга бегона овозда қичқириб юбордим. Жон ваҳмида кабинадан асфальт устига ўзимни отдим.

Бу нима кўргилик энди? Кўкрагимни қорга бериб ётганча машинага кўз тикдим. «Сенам менга содиқ бўлмадинг, мана, манзилга етай-етай деб қолган ерда... Эҳ!» Алам билан ерни муштладим. Машина ярим қийшайиб ётарди, унинг кейинги чап чархи ердан бир қарич кўтарилган. Менинг силлам қуриб, ҳолдан тойиб қолгандим. Юзим, бутун аъзои баданим жиққа терга ботган эди. Эшитганлар нима дейди? Турсунбой акачи? Салимжонов-чи? Улар нима дейишади? Уф-ф-ф!..

Ўрнимдан судралиб турдим. Тиззамгача қорга ботиб, машинанинг уёқ-буёғига қарадим. Унг томон қаноти ичга қийшайиб кетибди. Копот очилиб қолган. Кузов тахтаси қоқ ўртасидан иккита бўлинган, бир учи ерга тегиб турибди. Устимдаги телогрейкамни ечиб, эшиги ланг очиқ кабинага отдим. Нажот кутиб, атрофга аланглаб қарадим. Ҳеч зот йўқ.

Кабинага кириб, стартерни босдим. Машина мото-

ри гуруллаб ишлади. Мотор ишляпти! Шу онда бу гур-гур овоз менга қанчалик мадад берганлигини ким ҳам тасаввур қила оларди! Ақл-ҳушимни сал бўлса ҳам йиғиб олдим. Хаёлимга, тезроқ бошқармага етиб бориш керак, деган фикр келди. Ҳаллослаганча ўша томонга югурдим. Энг муҳими, йўлдан адашмаслик, дейман ўзимча. Йўлдан адашдимми, тамом, икки кун юрсам ҳам бошқармани топа олмайман. Ана, олдинда километрлар ёзилган темир тахтача. Ундаги «12» рақамига кўзим тушди. Демак, яқин. Икки соатда бориш мумкин.

Ҳеч ёққа эътибор бермайман, бир нуқтага тикилганча шошиб-пишиб боряпман. Ўз тақдирим ҳақида ўйлайман. Жуда-жуда йиғлагим келяпти. Қандай жазолар кутяптикин мени? Менинг ҳам тақдирим Баҳром тақдирига ўхшамасмикин? Тергов беряпти. У энди комсомол ҳам эмас. Борди-ю, қамалиб кетгудай бўлса, ҳамма уни маҳбус дейди. Маҳбус... Қандай совуқ сўз бу. Тилимизда нега шунақа сўзлар бор. Ўчиб кетмайдими бунақа сўзлар!

Беихтиёр изимга бурилиб қарадим. Тепаликнинг қоқ устида бир жуфт машъала пайдо бўлди. Машина, машинанинг чироғи бу! Қор учқунлари орасида унинг нури хиралашиб, зўрға кўринади. Турган жойимда қотиб қолдим. Зум ўтмай машина чироқлари оёқларим остини ёритди, оппоқ қор йилт-йилт товланарди. Ниҳоят, йўл четига чиқиш хаёлимга келди. Илтижо ва умид билан қўл кўтардим. Машина йўл четига келиб тўхтади. Ўзимизнинг машина эди. Кабинадан Салимжоновнинг дагал овози эшитилди:

— Нима қилиб юрибсан? Нима қилиб қўйдинг сен? Тез изингга қайт, кабинага кириб ўтир, ҳозир автокран жўнатаман.

Ярим кечада бошқармага кириб бордик. Машина қанотини тўғрилаб олиш мумкин, кузовни ҳам алмаш-

тирса бўлади. Аммо моторни-чи? Қўп бўлса ҳам бир нав эди, бунақасидан йўқ, хат ёзишавериб, илтимос қилишавериб, биттани топишган. Бу ҳам ағдар-тўнтар бўлган бўлса, тамом, суд олдида жавоб беришим керак.

Ана шу саволлар асло тинчлик бермасди. Ташқари чиқдим. Қор кечаги шаштидан тушган, шамол пасайган эди. Машинани яна бир сидра кўздан кечирдим. Моторнинг синиқ яшиклари орасидан, унинг бирон жойига зарар етмадимикин, деб синчиклаб тикилдим. Ҳеч нима бўлмаган, фақат завод ёғларига қум ёпишиб қолган, холос. Эрталаб Салимжонов чақираётганини айтишди. Юрагим орқага тортиб кетди. Бирпастда рангим қув ўчиб, ҳолдан тойгудек бўлиб қолдим. Мени нималар кутмоқда — кечаги гуноҳим учун улар менга нимани лозим топишади? Бошқарма бошлиғининг эшигини ҳадик билан очдим. Салимжонов менга кўзи тушиши билан «киравер» дегандек бош қимирлатиб қўйди. Ичкари кирдим. У ерда Холиёр, Турсунбой ака ҳам бор эди. Бошларини қуйи солиб ўзларича хаёл суриб ўтирардилар.

— Нима бўлди, гапир-чи? — деди Салимжонов.

Мен воқеа қандай юз берганини айтиб бердим.

— Ўзингиз кўрдингиз, қор аямай ёғди,— дедим Салимжоновга.— Йўлдаги ўнқир-чўнқирларни билиб бўлмасди. Бунинг устига қоронғи тушгани. Қарама-қарши томондан шамол аралаш қор пағалари кабина ойнасига тушаверганидан тозаловчи сёткалар уни артишга улгуролмасди. Булар — бир сабаб. Иккинчиси сал диққатим бўлинган экан. Қор фара ёруғида ғалати бўлиб кўринади. Кўзга худди сонсиз-саноқсиз капалаклар учиб тушаётгандек...

— Бизга эртак керакмас, Тоғаев,— деди Салимжонов столни шapatiларкан ва бригадирга қараб «эх!» деганча бош ирғади.

— Кейин... Мен Душанбега кетишда йўқ эди у.

— Нима йўқ эди, чайналмасанг-чи?

— Чуқур-да.

— Қанақа чуқур?

— Ўзингиз кўрдингиз-ку.

— Мен кўрганним йўқ. Мен ҳеч нимани кўрганним йўқ,— деди Салимжонов.

— Экскаваторчилар йўлнинг ўнг томонига каналдан сув ўтказиш учун труба кўмишган. Лекин негадир ишни чала-ярим қолдиришган. Бир қисм тупроқ асфальт ўртасида тепа бўлиб қолган. Қазилган жой ҳам асфальтдан уч-тўрт қарич паст. Тез юриб келаётган машина ёлдираклари олдин чуқурга тушган, сўнг мен томондаги олд ёлдирак тупроқ уюмига бориб урилган. Рулни бошқаролмай қолдим. Машина йўл четига чиқиб қийшайиб қолди. Бўлгани шу...

— Кўзинг қаёқдайди сени? Моторни ебсан-ку! Ўртасидан қоқ ёрилиб кетибди-ку! Энди нима бўлади, ўртоқ бригадир? План ўлди-ку, планни нима қиламиз энди? Шу моторни деб, кўзимиз тўрт бўлиб турганди. Энди нима бўлади? Ҳов, кўзинг қаёқдайди сени? Йўлда чуқур бўлса, тупроқ уюми турса-ю, шофёр кўрмаса! Хўш... Машина кимники? Давлатникими? Мотор-чи? Давлатникими, а? Бўлгани шуми? Шуми, холос? Нима бўпти, шунга ота гўри, қозихонами, демоқчисан-да, а, шундайми? Яна айтаман, машина кимники? Мотор-чи? Давлатникими, а? Сен буларни ташлаб кетишга қандай журъат этдинг? Мени ана шу масала қизиқтириб қолди эди. Ахир, сен кимсан ўзи? — Салимжонов Холиёрга кўз қирини ташлаб қўйди, бу билан у «таниб қўйинг, бу сизнинг комсомол», дегандек эди.— Биз ўзимиз кўнгилчанмиз, ўртоқ Турдиев,— деди у Турсунбой акага ва стулдан туриб, зарда билан гапира бошлади.— Биз одамлар нима деса, шунга хўп деймиз. Аммо у ким, ишончимизни оқлайдими, йўқми, буниси билан қизиқмаймиз. Мана, оқибати бунақа. Кўнгил хиралик, жанжал, вақт кетказиш. Бошқа ишимиз ҳам ошиб-тошиб

ётибди, ахир, уларни бажарамизми, мана бунақалар билан айтишиб ўтирамызми? Гап шундай: келтирилган зарарни биз маъмурий йўл билан ундириб оламиз. Тоғаев бугундан бошлаб шофёр эмас, мен унинг машина рулига яна ўтиришига қатъиян қаршиман. Комсомоллар нима дейишади, бу томонини, ана, секретарь билади.

Бошлиқ хонасидан Турсунбой ака олдин, сўнг Холиёр билан мен чиқдим. Қандай чиққан бўлсак, худди шундай, ҳар ким ўз хаёли билан бўлиб, қор босган йўлдан бир-бир одим ташлаб борардик. Турсунбой ака тухтади-да, Холиёрдан сўради:

— Папиросинг борми?

— Йўғ-а.

— Мана, менда бор,— дедим ва пальтом чўнтагидан «Памир» олиб узатдим. Турсунбой ака юзимга бир қаради-да, томирлари бўртиб турган бўйнини кафти билан силади.

— Душанбедан олганмидинг?— деди сигаретни тутатаркан.— Ҳеч ишинг юришмади, юришмади-да. Машина ҳам ремонт бўлар, зарар ҳам ундирилар. Кўпчилик олдида яна уяладиган бўлдинг-да, укавой. Нима дейсан Холиёр, буёғи нима бўлди энди?

— Билмадим, ўйлаб қолдим. Эй, Собир, Собир. Дуппа-дуруст шофёр эдинг. Жин урдими сени, нима бўлди, ҳеч нарсага тушунолмай қолдим. Салимжонов бир сўз айтдими, тамом, охирига етказмай тинчланмади. У сени анча ёқтириб қолганди. «Мўмингина йигит экан, нима десанг, хўп деб туради, тихирликни билмади, трест билан бошқарма ўртасида зув қатнайдиган бизга ўхшаган кишининг машинасини ҳайдаса ҳам бўлаверади», деб юрганди. Орада бу фалокат бўлиб, унинг ҳам ишончи йўқолди энди. Бошқа иложим йўқ. Умумий йиғилишда муҳокама қиламиз. Салимжонов айтгани учун эмас, албатта, сен буни тушун. Тартиб шундай. Кўпчилик қандай қарорга келса, сен ҳам, мен

ҳам, бошқалар ҳам бўйсунишга мажбурмиз. Аммо сен унга қадар бундан кейин нима иш қилишинг ҳақида дуруст ўйлаб ол. Нима дейсан уларга, қоламан дейсанми, кетаман дейсанми, очиқ айтишинг керак.

— Кетаман, дейман?! Қаёққа, ҳеч ёққа кетмайман. Шундай дейман уларга ҳам. Сўзим шу, дейман. Бошқа гапим йўқ, дейман. Бўлди, шу.

— Хўп, шундай дейсан, майли.

Турсунбой ака кирза этикда ғарч-ғурч қор босиб бораркан, мен томонга қараб, қовоғини солганча:

— Гапларинг дадил-ку! — деди. Унинг қовоғи уюлгандек эди-ку, аммо кўзлари самимий боқиб турарди. Шунда мен учун энг оғир онларда меҳрибонлик қилган, пешанамни силаб, далда берган бу кишига нисбатан бир қанча вақт Аливойлар кўзи билан қараб келганимдан афсусландим. «Турсунбой ака, сиз менга шунчалик ғамхўрсиз-у, аммо уни мендан яширишга уринасиз! Нега, ахир? Мана, ҳозир, қаранг, кўзингиз кулиб турибди, аммо қовоғингиз солиқ. Мен сизни энди тушунапман, шекилли», дегим ва кўзимга жуда иссиқ кўриниб кетган бу кишининг бўйнидан қучиб олгим келди. Турсунбой ака давом этди.— Дадил гап — ҳақ гап бўлади. У юракдан айтилади. Майли, шундай дея қол.

Уч-тўрт кундан кейин комсомол йиғилиши бўлди. Юз берган ҳодиса ҳақида Холиёр ахборот қилди. Кўпчилик: «Ўзидан ҳам эшитайлик», дейишди. Мен Салм-жоновнинг кабинетиде айтганларимни яна такрорладим.

— Эндиям юрасанми, бу ерларда? — деган овоз эшитилди залдан. Бу Дурсоатнинг овози эди. Дурсоатнинг дўриллаган овози атрофдагиларга дағалроқ эшитилди. У мен касалхонага тушишдан сал олдин қурилишга келган бўлиб, дастлабки кунданоқ Аливойлар билан тил топишиб кетганди. Дурсоат дўрдайган қалин лабини тили учи билан бир ямлаб, кичик кўзларини баттар қисганча ўрнидан турди-да, ҳалигина айтган сўзини яна қайтарди ва: — Мен бўлсам, уятдан ўлип бў-

лардим. Йўқ, бу бўлса бошини яна юқориоқ кўтариб турипти-я! Ё, товба-е!

Залда гурр кулги кўтарилиб, зум ўтмай яна сув сепгандек жим бўлиб қолди. Шунда Тоҳир лип этиб жойидан қўзгалди. Тоҳир бир неча катта сув омбори қурилишларида қатнашиб, анчагина тажриба орттирганидан ишчилар ўртасида тез танилиб қолганди. Лекин бригадир билан гапи чап тушиб, орада бир кетиб ҳам қолди. Охири яна юриб-юрнб қайтиб келди. Қайтиб келди-ю, у ҳам менга ўхшаб, Аливойнинг чалган ноғорасига ўйнайдиган бўлиб қолди. У кўзларини бақрайитириб, залнинг уёқ-буёғига қараганча:

— Хўш, нимаси кулги? Куладиган гап бўлдимми ёки? Нима, очилиб қолдимми?— деди бўғилиб.

Холиёр қўлидаги қалам билан стаканга чертиб қўйди:

— Қизишма, Тоҳир. Хўш, нима демоқчисан?

Тоҳир бир ютиниб олди-да:

— Ҳаммаси тушунарли. Вақтимизни кетказиб нима қиламиз. Жавобини бериш керак, тўрт томони қибла, кетаверсин, қаёқни хоҳласа. Кундузи ишласанг, кеч-қурун дам олиш ўрнига мана бунақа масалалар... Йўқ, ўзи шу боладан бошқа ҳам ишимиз борми, йўқми? Мен шунча айб қилганимда-ку, аллақачон паттамни беришарди.

— Қисқароқ, қисқароқ, Тоҳир,— Холиёр яна стаканни чертиб-чертиб қўйди.

— Қисқароқ дейсанми? Айтсин бўлмаса, анави безрайиб турган йигитча, кетишига розимикан? Бўлмаса, бизнинг ҳам айтадиган гапларимиз бор,— деди Тоҳир ва стул суянчигига елкасини бериб, керилиб ўтирди.

— Ҳеч ёққа кетмайман!

— Ҳа-а, кетмаслигингни аллақачон билгандим,— Тоҳир кенг пешонасидаги терларни кафти билан артиб, жингалак сочларини силаб қўйди.— Нима учун кетмайман деяпсан, биз билиб турибмиз. Менинг икки касбим

бор. Бири — кранчи машинистман, иккинчиси — шофёр. Стажим ҳам бор. Лекин Баҳром баҳона, машинани менга эмас, сепга беришди,— у ўтирганларга муурожаат қилгандек, овозини кўтариброқ давом этди.— Ўртоқлар, раҳбарларимиз баъзаи калта ўйлаб қўйишяпти. Чўнтагида гувоҳномаси бор деб, машинани дуч келган кишига ишониб топширавериш тўғрими? Нотўғри, албатта. Мана, оқибати, ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу болани ўзимиз талтайтириб юбордик,— қўлини ниш қилиб мени кўрсатди Тоҳир.— Уни бошини секретаримиз силайди, унга бригадиримиз, ғам ема, дегандек далда беради. Нега бошқалар ҳақида шундай қайғуришмайди. Масалан, Дурсоатни олинг, яхши ишчи, нормани бажаряпти. Кеча секретаримиз нима депти денг? Ишдан кейин бўладиган кайфу-сафо меъёрида бўлсин эмиш. Кайфу-сафо! Гапни қаранг-а!

Холиёр ўрнидан турди.

— Тоҳир, гапирсанг дурустроқ гапир-да. Ўтган-кетган гаплар, майда-чуйдаларни аралаштириб, вақтимизни олиб нима қиласан, а? Бўлди қил-да, унда.

Тоҳир қўл силтаганча «бўлса бўпти-да», деганча жойига бориб ўтирди.

— Тоҳирга охиригача имкон бермадиларинг,— деди Аливой.— Мен бор-йўғи икки масала устида тўхталман. Биринчиси. Бир кун, мунга анча бўлди, Тогаевга: «Занг каналини бошрогидан бориб сув олиб келинглар, ишчилар оқар сувдан чой қайнатиб ичишсун», дедилар ўртоқ Салимжонов. Шахсан ўзлари айтдилар! «Хўп», деди. Ишдан кейин Дурсоат билан мени йўлда тўхтатдилар. Биз сувга бораётган эдик. «Тогаев қани?» дедилар. Биз у келмади, «чарчадим, сув ичсаларинг олиб келиб ичаверинглар!» деди деб рўйроост айтдик. Нима, қўрқадиган жойимиз борми ундан. Катталарнинг гапини икки қилишга кимди ҳадди сиғади, айтинг-чи?

Аливойнинг овози тобора баландлашар эди. Мен эса ўтирган жойимда йўқолиб борардим. Рост, ўша куни

айб ўзимдан ҳам ўтганди. Бошлиқнинг гапини Аливойга айта туриб, «Дурсоат билан сен ҳам олиб келоласан-ку», дедим. Аливой: «Майли, бормасанг ҳам бўлади, бир киши борса нима-ю, бормаса нима?» дедди. Ўша куни у-бу нш деб анча чарчагандим ҳам. Аммо Аливойлар Салмжоновга менинг гапимни бошқача қилиб етказишибди. Салмжоновнинг ўша кундан бери ҳар учраганда ўқрайиб қарашининг маъносига энди тушуниб етдим. Шуларни айтмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлагандим, Холиёр қўли билан, шошма, дегандек ишора қилди.

— Иккинчиси,— деди Аливой,— сизлар қурувчиларсиз. Лой пишган бўлмаса, қолипга олиб бўладими? Йўқ, олиб бўлмайди. У лойда пишитиб, ийлаб, кейин ғишт қуямиз-а? Шу сингари бу болаям ҳали хом. Ҳали хом деяпмиз, мундан бир йил олдин ҳам ҳали хом деган эдик. Ахир, қачонгача «хом, хом» деб юрамиз. Ёўра лойди ғишти қурилишга ярамайди. Шу сингари Собирам бизга нш беролмайди. Қачонгача юзимизди ерга қаратиб юради. Шу ёғиям етиб ортади. Биз унинг ноғарани қандай чолиб, қандай ўйинга тушишини яхши биламиз. Шундай экан, нега биз уни яна ўз соямизга оляпмиз. Нега, хўш, нега? — У кафтини пахса қилиб ҳавода ўйнатиб қўйди.— Давлат мошинини чўл ўрта-сида ташлаб кетишга кимди ҳадди сиғади? Тағин шундай қайноқ кунларда-я? Яна шундай моторди қайдан топамиз? Мен сўрайман: келтирилган заррарди ундириб олайлик, жавобгарликка тортайлик! Гапим тамом, ўртоқлар!

У қалай, қотирдими, дегандек, олдин президиумдагиларга, сўнг залда ўтирганларга қараб қўйди. Аливойнинг сўзларини ростдан ҳам зал жим тинглади. Буёғи нима бўларкин? Ҳозирги сокинлик кўпчиликни турли саволларга чулғаб турарди. Аливой тўғри айтаяпти, лой пишмаса, ғишт чидамсиз келади, Собир ҳам пишмаган ғишт-да, деб юборишларидан чўчиб, юра-

гим қисиларди. Мен сел тўфонда ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетардим. Бироқ Холиёр ва Нурали чиқиб, тўфонга тўғон қўйишди.

— Ёмон киши ҳақида ҳам ўйлаб гапириш керак,— деди Нурали.— Бир вақтлари Собир ёмонга, иш билмасга чиққанди. Тўғри, иш билмасди, аммо ёмон эмас эди. Айтганни қўлидан келганча бажарарди. Бугун эса яна ўша эски гапни қўзғаяпмиз.— Нурали олдинги қаторда ўтирган Дурсоатга кўз тикди.— Сен-ку, Дурсоат, иккинчи бригадада ишлайсан. Бунча миш-мишни қаердан топдинг? Мана шундай оғзи полвонлар Собирни ёмонга чиқариб қўйишди. Кеча у қайсидир газетанинг бир парчасини топиб келибди. Унда биноларни муддатидан олдин топшириш ҳақида гап борарди. Мақолада ёзилишча, бинони муддатидан бир ой олдин фойдаланишга топшириш, унинг қимматини ўртача бир-бир ярим процентга қисқарттираркан.

Ана энди ўзингиз ўйланг, Собир қурувчи бўлмайман, касбим деҳқончилик деганда қумга беланиб ётган газета парчасини кўтариб келармиди! Ахир, газетани олганимизда мақоланинг аҳамиятига ҳеч биримиз эътибор бермаганмиз-ку. Биз кўролмаган уфқни Собир кўролган, ўйлаб, чамалаб кўрган, аҳамиятига тушунган. Айтаверса гап кўп... Илтимосим шу: олдин сўзга чиққан баъзи ўртоқларнинг фикрига қўшилолмайман.

Холиёр минбарга чиқди. Бир зум ўйлаб олгач, деди:

— Рост, Собир хатога йўл қўйган. Машинага ҳам, моторга ҳам зиён етган. Лекин у атайин шундай қилмаган-ку? Бу ерда сўзга чиққан айрим ўртоқлар Собир билан бирон оғиз суҳбатлашмаганлар. Кеча мен Собир билан анча гаплашдим.— Холиёр пешанасига тушиб қолган бир тутам сочини кафти билан текислаб қўйди. Узоқдаги қад кўтараётган биноларга кўз тикди.— Йўлсиз чўлда адашмайман деб ким кафиллик бера олади? Лекин адашганни йўлга солиш кимнинг бурчи? Ҳамманинг, шундайми? Демак, биз ҳаммамиз ҳам Со-

бир тақдирига бефарқ қараганмиз, ҳаммамиз айбдор-миз.

— О-ла, ҳали ҳамманг жавоб берасан десайди,— минғирлаб қўйди Аливой. Бу сўз секин айтилган бўлса ҳам, ҳаммага аниқ эшитилди.

Лекин шу пайт президиумдагилардан бири зал ўртасидан эшик томон тез-тез юриб ўтди. У ерда милиция кийимидаги киши турарди. У нимадир деб шивирлади. Ҳалиги йигит унинг гапини Салимжоновга айтди. Салимжонов бош ирғаб қўйди ва Аливойга қараб: «Сен ташқари чиқ, биров кутиб турибди», деди. Ҳаммамиз гап нимадалигини тушундик. «У ҳам Баҳромга шерик экан-да, охири аниқланибди-да», деди ўтирганлардан бири. Холиёр сўзида давом этди.

— Ҳа, ҳаммамиз айбдормиз. Бунини тушуниш керак. Шу кунгача бўлган тақдир билан ҳеч бир қурувчи шуғулланмаган. У қанча қийинчилик, дашномларга бардош бериб келди, энди кўнглим яйрайдами деган жойда авария содир бўлди.

Унинг ўтган кунги бир гапини шундайлигича айтгпм келади: «Одамлар мени тик ўс дейишди, айтганларига амал қилишга уриндим. Одамлар мени патак бутоқларимни кесиб ташлашди, ич-ичимдан қувондим, раҳмат дедим», деди у. Бу нима демак? Катта гап бу. Одамнинг қалби атрофни ҳис этса, масъулиятни сеза бошласа, шундай гапларни айта олиши мумкин.

Салимжонов қўлидаги қаламни бир-икки ўйнатди-да, стол устига қўйди. Кўкрагини кернб, қаддини ростлади. Қисқа-қисқа томоқ қирди. Сўнг Холиёрга елкаси оша кўз тикди:

— Хўш, ўртоқ комсорг, таклифингиз? Нима демоқчисиз, хулосага келайлик,— деди.

Холиёр бир зум ўйланиб тургач, деди:

— Таклифим шу: уни ишдан ҳайдамаслигимиз керак. Шахсий делосига ёзиш шарт билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилайлик. Қурилиш бошқармамизда йигир-

ма комсомол бор. Улар Собирни яхши қурувчи бўлиши учун ҳисса қўшишса.

— Маъқул таклиф!

— Жуда яхши!

Мажлисадагилар бир-бирларига кўз уриштириб, ғовур-ғувур қилиб қолишди. Охири мажлис унинг таклифи бўйича қарор қабул қилди. Кўзим жиққа ёшга тўлди. Ўтирганлардан яширинча кўзимдаги ёшларни кафтим билан артиб-артиб қўйдим...

Яна эски постимда ишлай бошладим. Гишт тахлайман, янги келган ишчилар билан замбилда гишт ташийман. Орадан икки кун ўтгач, бригадалараро мусобақа байроғини олдик. Ойлик план ошириб бажарилибди. Мен икки кун ишлаган бўлсам ҳам, ҳамма қатори раҳмат эшитдим... Ҳаммамиз бирга-бирга қувондик. Қувончга қувонч уланиб кетди. Нуралининг туғилган кунини нишонладик. Биз билан Ақида ва унинг яна бир неча дугоналари ҳам бирга эди. Мен уни ўйинга таклиф қилдим. Радиолдан «Жонон» куйи янграйди. Ақиданинг пошнали туфлиси янги полда дук-дук этади. Юрагим жўшар, типирчиларди. Ақидани кўтариб олиб, зириллатиб айлангим келарди. Мен яқинлашаман, аммо у усталик билан ўзини олиб қочади. Жилмаяди, қалин қошларини чимириб қўяди. Бирам очилибдики...

Бир пайт Ақида қулоғимга шивирлади:

— Собиржон ака, бундан бир ҳафта бурун нима дегандим сизга?

— Бир гап айтмоқчи эдингиз.

— Юринг, кўчани айланиб қайтамиз.

— Бўпти, юринг.

Биз ташқари чиқдик. Тун сутдек ойдин. Посёлканинг тош тўкилган йўлидан бир-бир босиб ётоқхонадан узоқлашдик. Ақида елкасига илиб олган пальтоси ёқасига бўйнини тиқиб олди.

— Ҳадемай баҳор келади-ку, пзгиринга бало борми? Совуғ-а, Собиржон ака? — Ақида қия бурилиб, ча-

рос кўзларини менга тикди. Мен унинг ёқа ушлаб турган қўли устига кафтларимни қўйдим ва оҳиста силадим.

— Совуқми? — дедим аста.— Сиз осмонга қаранг. Тип-тиниқ. Юлдузларни қаранг, бирам кўпки!..

— Юлдузлар ёқадими сизга? — деди Ақида жиламайиб.

— Бўлмасам-чи!..

— Унда бирини танланг-чи.

— Ана, меники, ҳў осмон йўлидаги ғуж юлдузлар ўртасида. Ёпидаги, янаям йирикроғи эса сизники! У нимадир деб шивирлаётир.

— Нима деярти экан?

— Қулоғингизни тутинг, айтаман.

— Йўқ, айта қолинг.

— Ҳа, энди...

— Йўқ, кейин...

— Ҳа, келинг,— мен унинг қўлларини қисиб ушлаганча, юзидан ўпиб олмоқчи бўлдим. У бошини кейинга ташлаганча:

— Кейин, кейин,— деди-да, ўзини четга олди.— Биласизми, мен нима демоқчийдим сизга? Отам боғбон ўтганлар. Қаерга борсалар боғ қилганлар. Менгаям отамдан юққан. Очиқ ер бўлса, боғ қилай дейман. Қаердан чинор топса бўлади? Турсунбой ака Боботоғ ўрмон хўжалигинда бир йиллик кўчатлар бор, дейдилар. Шу... ётоқхонамиз олдига ўз қўлларимиз билан экардик-да. Икковимиз иккитасини ўзимизники қилиб олардик. Бўптими?

— Сиз айтасиз-у...

— Йўқ, деб бўладими, денг-а! Кетдик, юринг. Тагин излаб юришмасин, қаёққа кетишдийкин булар, деб.

Биз хонага кирганимизда ўйин-кулги авжи қизиган эди...

Шанба оқшоми Шўрчиға бориб, кўчатларни олиб қайтдим. У икки дона эмас, балки ўн икки дона эди. Худди билгандек — бригадамиз аъзолари ҳам ўн икки-та! Ҳаммамиз эсдалик учун биттадан кўчат ўтқазамиз.

Ишдан кейин кўчатларни эдик. Бригадамиз аъзоларининг илтимосига кўра, уларни Ақида билан мен парварниш қиладиган бўлдик. Турсунбой ака ярим ҳазилдек: «Агар биронтаси побуд бўлса, икковнинг жавоб берасан», дедилар. Чинор кўчатларининг ўртасидан бир жойини тандаб қовладик. Чуқурча ичига тош тўқдик ва ишша ичига солинган эсдалик хатин кўмиб қўйдик...

— Ука, Собирвой,— деди бир найт Турсунбой ака билагимдан ушлаб,— Ақида билан ажойиб иш қилдиларинг-да, қара, чинорларга. Ҳадемай атрофга шох ташлаб, кўкка бўй чўзади, йиллар ўтгач, узоқ-узоқдан ҳатто чўлининг энг четидан ҳам кўриниб туради. Ана шунда одамлар биринчи бўлиб сизларни эслашади,— кейин менга тикилиб, қўшиб қўйди:— Ақида ақлли қиз.

Мен Турсунбой аканинг бу сўзларидан жўшиб кетдим. Аммо нима дейишимни билмайман. Ақида ҳақида кўнглимдаги гапини очик айтиш мавриди эмас, дердим ва айни пайтда жуда уялиб ҳам кетган эдим.

Турсунбой ака салқин ҳаводан тўйиб сипқорди ва қўлимдан ушлаганча жилмайди:

— Яширма, айтавер. Сен энди бир вақтлар одамлардан ажралиб қолган Собир эмассан-ку. Энди сенинг чиннакам дўстларнинг, маслаҳатдошларнинг бор. Ҳа, ука, сен томчи бўлиб денгизга интилдинг. Тўғри, кўндан бир четлашдингми, яна қайтиш учун, бошқаларни ишонтириш учун кўп меҳнат сарфлаш керак. Аммо сен ана шундан чўчимдинг. Сен кўнга интилдинг, энди йўлининг кенг, энди адашмайсан. Катта оқим сени тўғри йўлдан олиб боради...

Майсалар ниш ура бошлади. Қишда иссиқ ўлкаларга кетиб қолган қушлар қайтиб келишди. Осмонда турналар сайраши тини мен эшитилиб турибди. Баъзи тун-

лар сутдек ойдин, бунинг устинга ҳавоси сербаҳра, фақат объектда бўлсам, дейман, ҳатто тушимда ҳам гишт териб ётаман. Ёки ким биландир қурилмиш ишларини енгиллатиш, камчилик ва ютуқларимиз ҳақида мунозара қиламан. Қизик... Ўзимни тушунолмайман. Тўғрироғи, ўзимдаги бу ўзгаришлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрганам йўқ. Аммо менга бир нарсая маълум: ишлаган келади, кечаси ҳам, кундузи ҳам гишт тергим, қилган меҳнатимни Ақилдага айтиб, севингим келади...

Ш е р о б о д ч ў л и

Ҳайитқулов Норқул.

Томчи. Қисса. Т. «Ёш гвардия»,
1981.—72 б.

Ҳайтқулов Нарқул. Қапля. Повесть.

Ўз2

На узбекском языке

НАРКУЛ ХАЙТНУЛОВ

КАПЛЯ

Повесть

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1981.

Редактор Тўлқин

Рассом А. М а и л ь я н ц

Расмлар редактори Э. В а л и е в

Техн. редактор Г. А ҳ м а д ж о н о в а

Корректор М. О р т и қ о в а

ИБ № 810

Босмахонага берилди 9.02.81 й. Босишга рухсат
этилди 3.06.81 й. Р-15459. Формати 70×108¹/₃₂.
2-босма қозоғга «Литературная» гарнитурда
юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,25.
Шартли босма листи 3,15. Нашр листи 3,139. Тира-
жи 15.000. Вуюртма № 348. Шартнома № 101—80.
Баҳоси 20 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвар-
дия» нашриёти. Тошкент, 700129, Павний кўча-
си, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тош-
кент, «Правда Востока» кўчаси, 26.